2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
27-noyabr
chorshanba
№ 47 (1422)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ЭЗГУЛИК

ПРЕЗИДЕНТ ДАРАХТ ЭКМОҚДА...

Тошкентнинг иккинчи белбоғи дейилмиш Катта ҳалқа йўлидан келаётган Президент кортежи ғувиллаб келиб тўхтади. Очиқ ҳаво, чарақлаб турган қуёш ва давлат раҳбарини кутиб турган юзлаб юртдошларимиз чеҳраларидаги қувонч ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ бағишлаб тургандек эди чароғон кунга. Президентимиз машинадан тушибоқ, тўғридаги шийпон томон шахдам қадам ташлади. Ҳамюртлар билан самимий саломлашиш асносида бу гал шийпонга ёки қайсидир янги корхона, қайсидир йиғилиш минбари, маҳалла ёхуд кластер ҳузурига эмас, тўғри далага бурилди. Қўлига белкурак олиб, дарахт экишга киришди. Синчков одам белкурак ушлашиданоқ Президентнинг, энг аввало, оддий инсон экани, қишлоқда туғилгани, дашту далаларда ўсиб улғайганини дарров фаҳмлайди. Президент чин боғбон сингари ёш ниҳолнинг нозик илдизига тупроқ торта бошлади.



Президент дарахт экмоқда...

— Қани эди дунёдаги ҳамма давлатларнинг раҳбарлари бизнинг Президентимиздай бўлса, — ҳавас ва фахр билан секин шивирлади сенатор Ҳусан Эрматов. — Афсуски...

“Афсуски...” деган биттагина сўз нафақат сенатор Ҳусан Эрматовнинг, балки шу лаҳзаларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган янги боққа кўчат экиш учун келган барча юртдошларимизнинг қалбидан не-не ўй ва ташвишлар кечаётганини ифодалаб, англатиб тургандек эди.

Ҳа, афсуски, дунё беҳаловат. Дунё чақалоқнинг киприкларида, намозшомгул япроқларида омонат қалқиб турган шудринг томчисидек қалтираб турибди. Айрим давлатларнинг раҳбарлари тинчликни авайлаш, одамларга меҳр кўрсатиш, кўчат экиш, табиатни асраш ўрнига қирғинбарот урушларга саркардалик қилмоқда. Минг-минглаб одамларнинг уйлари вайрон, диллари қабристон, кўчалари гўристон бўлишига сабабчи бўляпти. Йўлимдан юрмасанг, менга бўйин эгмасанг, айтганимни қилмасанг, кўзингга кўрсатиб қўяман қабилида Ер юзини остин-устун қилмоққа жаҳд қилган “шоҳ”лар ёввойи махлукдек ўкирмоқда, пишқирмоқда, ўкирмоқда. Болалар етим, оналар бева, инсонлар ватангадо бўлмоқда. Табиат эса... Ҳаммасидан кўп азоб чекяпти она табиат. Ҳар отилган ўқдан, ҳар бомбанинг даҳшат билан портлашидан ям-яшил боғларнинг кули кўкка совурилмоқда, она табиат танкларнинг темир товони остида майдаланиб, инграб, жон таслим қилмоқда. Қачонгача давом этади бундай хўрликлар, зўравонликлар, қонхўрликлар, “мен зўрми, сенми” қабилидаги муштумзўрликлар? Қачон инсоф киради бу босқинчи каззобларга! Бомбалару снарядларга кетаётган миллиард миллиард маблағларни ўз фуқароларининг фаровонлигига сарфласа бўлмайдими бу кўрнамаклар?! Дунё қачон халос бўлади тинчлик қассобларидан? Вайронкорлик, жонхўрлик қилиш ўрнига дарахт экса бўларкан-ку, ахир!

Президент дарахт экмоқда...

Тасодиф ёки кўз-кўз қилиш учун эмас, бузғунчиларга, босқинчиларга, табиат ёвузларига қарши исён сифатида ниҳол ўтқазяпти муштипар замин қучоғига. Уч йилдан ошди Президент томонидан “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати бошланганига. Лойиҳа чинакам халқ ҳаракатига айланди. Аввалги йилларда Янги Тошкент, Сергели, Чилонзор туманларида бўлган кўчат экишда давлатимиз раҳбарининг ўзи бош-қош бўлган эди. Шундан сўнг қишлоқ ва шаҳарларда, йўл ёқаларию хиёбонларда миллион туплаб дарахт ва гул кўчати экилди.

Олий Мажлис палаталарининг ўтган ҳафта бўлиб ўтган уч кунлик йиғилишлари адоғида эса давлатимиз раҳбари 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилди. Муқаддас заминда ободлик бўлсин, боғлар кўпайсин, гуллар баргида чанг-ғубор бўлмасин, анҳорлар, дарёлар суви мусаффо бўлсин, қишлоқлар, далалар, қиру адирлар чаманга буркансин, одамлар мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсин, тўйиб-тўйиб яшасин, роҳат қилиб яшасин, деган муҳташам орзуларнинг мўътабар ифорлари эди бу!

— Бугун нафақат биз, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказмоқда, — дея таъкидлади Президент Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида. — Биз бу масаланинг оқибатларини олдиндан кўриб, мазкур йўналишда катта ишларни олиб боряпмиз. Бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳозирги кунга келиб, чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ушбу дастур қатор ҳудудларда, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Президент дарахт экмоқда...

Бектемир туманидаги ҳалқа йўли ёқасида 100 гектарли янги боққа асос солинмоқда. Боққа икки йилда 100 минг тупдан зиёд дарахт ва бута кўчати ўтқазилади. Уларни парваришлаш ва суғориш учун 3 та сунъий ҳавза ва 12 та қудуқ барпо этилади. Мамлакатимизда эса фақат шу йилнинг кузида 80 миллион туп дарахт ва бута кўчати экиш режалаштирилган. Умуман, охирги уч йилда мамлакатимиз бўйича 646 миллион туп кўчат ва бута экилди.

2-б.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

КОРРУПЦИЯНИ ЙЎҚОТИШ — ШАФФОФЛИК САРИ ЙЎЛ

Президентимизнинг “Демократик ислоҳотлар ортга қайтмас тус олган Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифаларни ўз олдимизга қўйганмиз”, — деган фикри журналистлар зиммасига ҳам катта масъулиятлар юклайди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими, вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ҳамда вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорлигида “9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан “Очиқ эшиклар куни” ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқарма раҳбарияти, масъул мутахассислар иштирок этди.

Вилоят Адлия бошқармаси бош юрисконсульти Пўлат Ўроқов “Коррупцияни йўқотиш — очиқлик сари йўл” мавзусидаги маърузасида айни борадаги муаммолар, уларнинг олдини олиш бўйича давлат сиёсати, амалга оширилаётган ишлар, рақамли иқтисодиётни жорий этиш орқали инсон омилини камайтириб, шаффоф тизимни яратиш, қариндош-уруғчилик ва таниш-билишчиликнинг олдини олиш йўллари ҳақида фикр юритди.

Шундан сўнг Бошқарма масъуллари соҳада коррупцияга оид қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, унинг турли кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш, ходимлар ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш йўлида олиб бориладиган ишлар режаларини маълум қилди.

— Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун барча турдаги алоқа каналлари “Ишонч телефони”, электрон почта манзиллари, расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқларда саҳифалар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи Зафар Азимов.

Тадбир сўнгида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакилларини айни мавзу бўйича қизиқтирган саволларга мутасаддилар жавоб берди.

ЭНГ КАТТА МУКОФОТ — ОДАМЛАР ИШОНЧИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими фаолиятида журналистика соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган, ёшларга ҳар жиҳатдан намуна бўлиб келаётган фахрий ижодкорлар салоҳиятидан фойдаланиш, улар тажрибасини оммалаштириш мақсадида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган.

Самарқанд вилояти Матбуот уйида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими, вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида фахрий журналист Мустаҳкам Тангриёрованинг 60 ёши муносабати билан ижодий учрашув ташкил этилди.

4-б.

АКС-САДО

МАЪНАВИЙ ЭКСПЕРТИЗА — ҚОНУН ТАЛАБИ!

“Сўз эркинлиги маданиятсизлик базми эмас!” мақоласини ўқиб...

Маънавият ва маърифат марказининг Ўзбекистонда медиамаҳсулотлар маънавий экспертизадан ўтказилиши тартиби жорий этилиши тўғрисидаги маълумоти юзасидан интернет сайтларда, ижтимоий тармоқларда ижобийга қараганда кўпроқ танқидий фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, “Facebook”даги бир фаол иштирокчининг саҳифасида бу “қип-қизил цензура”, сўз ва ижод эркинлигига таҳдид деб баҳоланиб, “Маънавият маркази ўзининг ҳаракатлари қайси қонун, Конституция ва халқаро нормаларга мувофиқлигини изоҳлай оладими?” деган савол қўйилган.

Бу саволга жавоб битта: медиамаҳсулотларнинг маънавий экспертизаси зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ахборот ва маданий фаолият соҳаларини тартибга солувчи барча қонунлари нормаларидан келиб чиқади. Конституциямизнинг 33-моддаси ижтимоий ахлоқни таъминлаш мақсадида ахборотни тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга йўл қўйилишини белгилайди. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4, 14-моддалари эса жамиятнинг ахлоқий қадриятларини таъминлаш мақсадида ахборот олиш чекланиши мумкинлигини, маънавий бойликларни асраш жамиятимизнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш йўлларидан бири эканлигини белгилайди. “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги маданий фаолиятнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

4-б.

НУҚТАИ НАЗАР

ЁШЛАР ХАТОСИ УЧУН КИМ АЙБДОР?



Турмушда хатоликлар рўй бериб туради, деб баъзан ўзимизни овутамиз. Аммо айрим хатолар борки, улар келажакка соя солади, эртанги кун учун ташвиш туғдиради...

Яқиндагина “Болам компьютер ўйинларига берилиб, дарсларини чала қилаяпти”, дея нолиб юрган оналар эндиликда ундан-да ёмонроқ балога дуч келишиб, нафақат мактабда ўқийдиган фарзандларини, балки ундан кичикроқларини ҳам телефондан айиролмай қолишди. Қайтага, ўзлари ҳам кун бўйи шу жажжи қутичага тикилиб ўтиришади.

Қозон бошида ҳам телефон, ишга кетаётиб ҳам, бекатда ҳам телефон, иш давомида, борингки, баъзан тун ярмигача телефон қўлларида туради. На газета-журнал ўқилади, на китобга қаралади, ҳатто дастурхон бошидаги оилавий суҳбатларга ҳам шу телефон мулоқоти мудом аралашиб, халақит бериб туради.

Бир қанча йиллар аввал телемухбир таниқлироқ кишидан: “Ижтимоий тармоқларга кириб турасизми?” деб сўраганида, “Гоҳ-гоҳида кириб тураман”, дер эди. Эндиликда ижтимоий тармоқларсиз бир қадам ҳам ташлолмайдиган даражага етдик. Айниқса, ёшлар орасида бу ўта оммалашиб кетди. Интернет мавзулари сал жиддийроқ бўлиб, болалар тарбиясига кўпроқ ҳисса қўшса, кошки эди-я. Шов-шув кўп, аниқлик кам, ёлғон кўп, ҳақиқат кам.

Узукун телефон экранига тикилавериш саломатликка анча зиён етказишини мутахассислар аллақачон аниқлашган. Кореялик бир гуруҳ олимлар таъкидлашларича, “телефон касаллиги” туфайли қулоқларнинг оғриши, бош айланиши ва кўнгил айниши рўй бераркан. Мобиль телефондан чиқадиган нурланиш нерв ҳужайралари ва мия фаолиятига салбий таъсир этиб, кўпинча хотира йўқолишига олиб келиши ҳақидаги фикрлар бугунгача айтиб келинмоқда.

Яқинда яна бир тадқиқот ўтказилибди. Унинг натижасига кўра, мобиль телефонлар кишининг феъл-атворигаям таъсир кўрсатади!

“Уяли алоқа воситасидан кўп фойдаланиш оқибатида асабийлашиш, ланжлик, қатъият йўқолиши ва ҳафсаласизлик кузатилади, электромагнит тўлқинлар таъсири туфайли шундай ҳол рўй беради”, дейди тадқиқот раҳбари — Мельбурн университети профессори Кона Стоун. Олимнинг айтишича, телефондаги мулоқот вақтида унинг шовқини билан бирга кичик интенсивликдаги электрон магнит нурланиши бош суяги томон йўналтирилади ва у ерда ўзининг салбий асоратини қолдиради.

3-б.

ОҒРИҚ

МИЛЛИЙЛИККА КУШАНДА “МИЛЛИЙ” СЕРИАЛЛАР



Кейинги тўрт-беш йил ичида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий кино санъатини ривожлантириш, “миллий сериаллар ишлаб чиқаришнинг мавжуд тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва бу борада ижодкорларни қўллаб-қувватлаш”, миллий қаҳрамонлар ҳақида мультипликацион фильм ва сериаллар ишлаб чиқаришга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлари чиқди; уларга асосан миллий кино ҳамда сериаллар ишлаб чиқаришга масъул ва дахлдор бўлган ташкилотлар, идораларга бу муҳим вазифани бажаришлари учун жуда катта маблағлар ажратилмоқда.

Айни талаб ва эътиборга жавобан тарихий сиймолар, жадидлар, замонамиз қаҳрамонлари сиймоси акс эттирилган қатор кинолар, сериаллар ишланиб, халқ маънавияти-маърифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Лекин... ҳужжатларда айни эътибор қаратилган, халқимиз учун ҳамиша муқаддас бўлиб келган “миллийлик” меъёрларини умуман назар-писанд этмаслик ҳоллари кўпгина киносценаристлар, режиссёрлар, актёрлар ижодида оддий ҳол бўлиб қолди. Шу боис жуда кўпчиликнинг саволлари, эътирозлари, таклифлари, қарама-қарши фикрларга сабаб бўлаётган миллий сериаллар билан боғлиқ оғриқли мавзуларда Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, узоқ йиллар давомида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида фаолият кўрсатган олий тоифали режиссёр, “Гулхан атрофидагилар”, “Опа-сингиллар”, “Туташ тақдирлар”, “Йиллар армони” каби эл эътиборини қозонган миллий сериаллар муаллиф-режиссёри Замира БЕГИМҚУЛОВА билан суҳбатлашдик.

6-б.

ПРЕЗИДЕНТ ДАРАХТ ЭКМОҚДА...

1-б.

Оролбўйидаги яшил қоплама ҳудуди 2 миллион гектардан ошди.

Бундан ташқари, Президентимиз Олий Мажлис йиғилишида айтганидек, қўшни мамлакатлар билан биргаликда минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети очилди. Ўзбекистон БМТ томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюция ташаббускори бўлди. Айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон 2023 йилда иқлим ўзгаришларига мослашув жараёнини молиялаш йўналишида МДҲда биринчилардан бўлиб тарихий қадам ташлади ҳамда 331 миллион долларлик “яшил” суверен халқаро облигацияларни Лондон фонд биржасида жойлаштирди.

Экологик муаммоларнинг минтақавий ва трансчегаравий хусусиятини инобатга олган ҳолда, жорий йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан илгари сурилган “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси қабул қилинди.

Унда Орол минтақасини тиклашга қаратилган ташаббусларга алоҳида эътибор берилиб, яшил ўрмонлар барпо қилиш ва маҳаллий аҳоли турмуш даражасини ошириш каби кенг кўламли дастурлар тақдим этилди. Мазкур лойиҳалар юртимизнинг экологик ва ижтимоий ўзгаришларга содиқлигининг ўзига хос ифодасидир.

Энди мазкур йўналишлар бўйича ҳукумат томонидан алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади. Унда “яшил” технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этади, албатта.

Лекин ўзимиз-чи? Ўзимиз юракдан ҳис қиляпмизми буни?

Ахир биз — одамлар она табиатни озмунча хўрладикми, таладикми, азобладикми, алдадикми? Нега асрлар мобайнида бир томчи сувга зор бўлган араб саҳролари сел қаҳрига дучор бўлмоқда, нега шимол далалари, ўрмону кентлари тошқинлар тагида кўмилиб қоляпти? Дунё бино бўлганидан буён чанқоқлик нималигини билмаган серсув манзиллар Африка саҳроларидек қақраб боряпти, дарёлар ўрнида чўллар, чўллар ўрнида кўллар пайдо бўляпти? Чунки биз етти қават ер тагию етти қават осмон устигача нима кўринса, таладик, талаяпмиз. Ҳатто она заминни пилладек ўраб, турли бало-қазолардан асраб турувчи озон қатламигача аямадик — тешдик: мих уриб тешдик, милтиқ отиб тешдик, снаряд отиб тешдик, тешяпмиз. Бу кетишда булут булутлигини, осмон осмонлигини, юлдуз юлдузлигини унутиб қўймайдими? Бундай талон-тарожларнинг олди олинмаса, жиловланмаса, қиёмат-қойим бўлмайдими? Бир-биридан даҳшатли фожиаларни замин аҳли билиб турибди, эси борлар фарёд уряпти, “Бас қилинг!” дея ҳайқиряпти. Зўравонлар эса кардек, кўрдек миқ этмаётир. Ким ўзи улар? Наҳотки, боласи, ота-онаси, қариндош-уруғи, миллати ва ватанининг тақдирини ўйламаса? Нега ёқасидан олиб, бурнини ажриққа



ишқамаяпти дунёга эгаменлик даъвосида юрган салтанатларнинг султонлари? Нега?!

Ўзбекистон Президенти дарахт экмоқда...

Биринчи ниҳолнинг илдизлари атрофини белкурак билан шиббалаб, иккинчи кўчатга меҳр қўрини тўка бошлади...

Бу шунчаки ерга бир туп кўчат ўтқазиш, шунчаки дам олиш кунидаги юмушларнинг бири эмас. Бу — етти ёшдан етмишгача бўлган барча фуқарога даъват. Талатўп дунёнинг кўзига кул сочаётган кимсаларнинг қилмишига Президент жавоби. Табиат хоинларининг бошига урилган гаврон... ва ҳар бир ақли расо инсонга сабоқ, ёшларга ибрат, қарияларга дуо, мўйқалам соҳибларию шоирларга илҳом булоғи бу.

Давлат раҳбарининг қалбидаги орзу-армонларни ҳали-ҳануз ҳаммамиз ҳам тушуниб етганимизча йўқ. Тушуниб етганимизда ҳар йил баҳору кузда эккан минг-минг туп кўчатимиз саратонда қуврaб, қорда музлаб қолмаган бўлар эди. Ахир бу йил мана бунча миллион кўчат экдик қабилидаги ёлғон маълумотлар билан ўзиниям, ўзгаларниям алдаётган амалдорлар йўқми орамизда? Сўнгги 10-15 йилда экилган дарахту буталар ҳақидаги “ҳисобот”лар рост бўлганида эди, Ўзбекистон ўрмонга айланиб кетган бўларди. Алдадик. Оқибат нима бўлди — халқнинг пешона тери билан топилган миллионлар сомондек совурилди, меҳнатимиз сувда оқди, қумга чўкди. Нима наф кўрдик? Президент бундай хунук хатолар такрорланмаслиги, сабоқ чиқариш, қалбларда она табиатга беадоқ меҳру муҳаббат уйғотиш учун ҳам ўзи бош бўлиб дарахт экмоқда.

Дарахт экмоқда...

Биз фарзандларимизга, набираларимизга табиат нима эканини тушунтира оляпмизми? Болаларимиз дарахтларни дарахтлардан, гулларни гуллардан, чечакларни чечаклардан фарқлай оладими? Кўкатларнинг номию майсаларнинг хусусиятини билишадими? Қайрағочнинг фойдасию янтоқнинг шифобахшлигини англашадими? Уларга қалдирғочлар нима учун айвонларга ин қуришини айтганмизми? Зурриётларимизга бургутларнинг лочинлардан, қарғаларнинг қузғунлардан, чиябўриларнинг бўрилардан фарқи ҳақида гапирганмизми? Бир туп дарахт, бир туп райҳон, бир сиқим ялпиз, бир тутам исмалоқ одамзодга қанча фойда келтириши ҳақида-чи? Дарахтнинг битта шохини, наъматак ёки дўлананинг битта новдасини бевақт синдириш қанчалар зарарли эканини-чи? Дарёю анҳорлар калла ташлаб, маза қилиб чўмилишгина эмас, минглаб инсонларнинг, гулу ғунчаларнинг, қурту қумурсқа, боғу роғларнинг жони, қони эканини тушунтирганмизми? Болаларимиз ҳис қиладиларми, булут нималиги, ой нималиги, қиру адир ва еру осмон нималигини? Тўфонлар, тошқинлар қаёқдан пайдо бўлишию нега табиий офатлар кўпайиб кетаётгани сабаблари ҳақида уларнинг тасаввури борми? Ер юзидаги ҳамма яратиқ инсон учун, яшаш учун кераклиги, уларни таниш, билиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш учун ўқиш, ўрганиш зарурлигини билишадими? Ўзимиз-чи? Билсак, нега ариқлар, дарёю сойларнинг суви булғанишига томошабин бўлиб қараб турибмиз, йўл бўйлари, маҳалла-кўйларда куну тун жилдираб оқиб ётган водопровод жўмрагини бураб қўйиш нега эсимизга келмаяпти? Нега тонналаб заҳарли газ чиқараётган йирик корхоналарни тартибга чақирмаяпмиз? Нега остонамиздаги ариқларни хазон босиб ётибди? Кеча эккан ниҳолни эчки ғажиётганини кўриб туриб, нега ҳайдамаймиз? Фарзанд кимдан ибрат олсин? Қуш уясида кўрганини қилмайдими? Қачон сабоқ чиқарамиз ўзимиз — катталар?

Қачон хулоса қиламиз, қачон рост гапиришни ўрганамиз?

Президент дарахт экмоқда...

Ниҳол тубига сув қуймоқда. Бу ниҳоллар ўсиб, азамат дарахтларга, дарахтлар катта боғларга айланади ҳали. Боғлар қушлар чуғурига тўлади, булбуллар маст бўлиб сайрайди. Асаларилар дарахтларнинг гулларига қўнади, шамоллар ўпади, қуёш нур тўкади. Қадим Турон, улуғ Туркистон — янги Ўзбекистон боғларида қариялар ёнбошлаб дам олади, болалар қийқириб ўйнайди, Худо хоҳласа. Ҳар нафас, ҳар дақиқани бекор кетказмай, табиатни онажон, дея бағримизга босиб, елкамизда опичлаб, қарорғимизда авайлайдиган замон келди. Онажонимизнинг ойдек порлоқ, қуёшдек меҳрли эканини билмоқ ва ардоқламоқ замони келди.

Кечир бизни, она табиат,
Сочинг юлиб, зўрладик сени.
Оҳ урсанг ҳам қилмадик шафқат,
Орол мисол хўрладик сени.
Сен шод бўлсанг, кўнглинг тўқ бўлса,
Биз ҳам шодмиз, бизлар ҳам тўқмиз.
Кўзинг аччиқ ёшларга тўлса,
Биз ҳам ғариб, бизлар ҳам йўқмиз.
Бошимизни уриб пойингга,
Она, сендан узр сўраймиз.
Энди эса ҳамма жойингни,
Чечакларга, гулга ўраймиз.
Кўклатай деб улуғ мулкингни,
Йўлга чиқди қари, ёшимиз.
Бу қудратли улуғ тўлқинни,
Бошлаб берди давлат бошимиз.
Дала дашту кўча-кўйингни,
Буркагаймиз боғу бўстонга.
Ҳавас қилгай бу жабҳада ҳам,
Аҳли дунё Ўзбекистонга.
Президент дарахт экмоқда...

Абдусаид КЎЧИМОВ,
сенатор

ТАШАББУС



ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ 16 КУНЛИК ФАОЛ ҲАРАКАТ

Жорий йилнинг 25 ноябридан Тошкентда “Зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракат” глобал кампанияси бошланди. Бу ташаббус Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни муносабати билан ўтказилмоқда. Мазкур кампания аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун жамиятнинг барча қатламлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини эслатади.

Шу муносабат билан ташкил этилган давра суҳбатида Олий Мажлис Сенати Раиси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, BMT, UNFPA, UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигига алоҳида урғу берилиб, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотларнинг аҳамияти борасида фикр юритилди.

— Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли “Инсон қадри учун” тамойили асосида зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қонунларимиз такомиллаштирилди, жазо чоралари қатъийлаштирилди, ушбу иллатга қарши ишлайдиган аниқ тизим — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти йўлга қўйилди.

Лекин қисқа муддатда амалга оширилган ишлар ва бугунги натижаларимиз — бу борада қилиниши зарур бўлган ҳақиқий фаолиятга дастлабки қадамдир. Бу йўналишда ҳали муаммолар етарлича. Бунинг учун барчамиз масъул бўлишимиз даркор. Бутун жамиятимиз зўравонликка қарши курашиш учун ягона кучга айланиши керак. Бефарқ бўлмаслик, зўравонлик аниқланиши ва тўхтатилиши учун барча имкониятларни ишга солиш орқали барбод бўлган тақдирлар, йўқолган умидларга нажот беришимиз мумкин — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ушбу муҳим ташаббусни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз логотипини олов рангга ўзгартирган.

Олов ранг — умид, ёруғлик ва зўравонликсиз келажак рамзидир.

Ташаббусни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда ушбу кампанияга қўшилган.

Айтиш жоизки, “Гендер асосидаги зўравонликка қарши 16 кунлик фаол ҳаракатлар” жаҳоннинг 187 та мамлакатида ўтказилади. Бугунги кунда кампания 6 мингдан зиёд ташкилот ҳамда 300 млн кишини қамраб олмоқда.

Аслида, зўравонлик — жамият учун катта таҳдид бўлиб, у инсоннинг руҳий ва жисмоний саломатлигига жиддий зарар етказади. Бу ҳодиса жамиятнинг барча қатламлари ва барча ёшдаги инсонлар орасида учрайди.

3-б.

ОГОҲ БЎЛИНГ

“ТЕЛЕФОН БИЛАН ТУҒИЛГАН” БОЛАЛАР



ёхуд мобиль алоқа воситаларидан оқилона фойдаланишни биламизми?

Қўл телефонларининг инсон саломатлигига, айниқса, ёш болаларга қанчалик зарар эканини олимлар, соҳа мутахассислари айтишмоқда. Ёш оналар бу хавфдан огоҳлантириляпти. Замонавий мобиль телефонлар болалар учун ўйинчоқ ёки овуниш воситаси эмаслиги уқтириляпти. Бироқ кўча-кўйда ҳолатнинг батамом аксига дуч келяпмиз.

Таксида кетяпман. Ёнимда икки нафар ёш она ўтирибди, бирида икки нафар, иккинчисида бир нафар гўдак бор. Машина бироз юргач, она қўлидаги бола инжиқлик қила бошлади. Ёш она тезда қўл телефонининг экранини очиб, боланинг қўлига берди. Бола ундаги мультфильмга озгина қарагач, яна инжиқлик қила бошлади. Бу ҳолат бир неча бор такрорлангач: “Болага нега ҳадеб телефонни кўрсатаверасиз, у буни хоҳламаяпти-ку?” дедим. Аёл: “Йўқ, ундай эмас. Болам ўзининг мультфильмини кўрмоқчи бўляпти. Кўчада “Wi-fi” йўқлиги учун унинг мультфильми чиқмаяпти, телефонимдаги бошқа мультфильмларни болам кўришни истамаяпти”, деди.

Бир яшар боланинг ҳар куни қўл телефонида кўрадиган севимли мультфильми борлигидан лол қолдим. “Бу ҳали гўдак-ку, телефон боланинг кўз нурига ёмон таъсир қилишини билмайсизми?” дедим. Аёл индамади. Суҳбатимизга қулоқ солиб кетаётган ҳайдовчи: “Гапингизга қўшиламан, менинг ҳам неварам бор, телефонсиз туролмайди. Телефон билан туғилган, десам ҳам бўлади. Жим ўтирсин деб яна телефон олиб бераман. Лекин кейинги вақтларда телевизорнинг яқинига бориб кўраётганидан сезяпманки, кўзи узоқни яхши кўрмаяпти”, деди.

Мультфильм кўришни хоҳлаётган гўдак йўл давомида ёнидаги ўзи тенги болалар билан иши бўлмади, хархашаси ҳам тугамади. Аслида, ҳали гапира олмайдиган болалар ҳам бир-бири билан тез чиқишиб кетади, ўзлари тушунадиган “тилда гаплашади”. Аммо машинадаги болаларда бундай ҳолат бўлмади. Бола ҳалитдан ташқи оламдан узилиб, виртуал оламга боғланиб қолганига ачиндим. Афсуски, бундай болалар атрофимизда жуда кўп.

Яқинда ёзувларни яхши ўқий олмаётганимдан шикоят қилиб, кўз дўхтирига бордим.

— Хавфли томони йўқ, ёшингизга яраша кўриш қобилиятингиз пасайган, — деди врач.

Шу пайт ота-она лупали кўзойнак таққан 7-8 ёшлардаги боласини етаклаб келди. Дўхтир боланинг кўзларини текшириб:

— Энди кўзинг батамом тузалиб кетиши учун бир кунда ярим соатдан кўп телефонга қарамайсан, — деди.

— Йўқ, йўқ, умуман, телефонга қарамайди, ўзим уйда назорат қиляпман, — деди аёл эридан ҳадиксираб.

Аёлнинг ўзини тутишидан турмуш ўртоғидан роса гап эшитгани сезилиб турарди. Аммо ғишт қолипдан кўчган, боланинг кўриш қобилияти анча пасайиб кетгани шундоқ кўриниб турибди. Таксидаги мультфильм кўрмоқчи бўлган боланинг ҳам ота-онаси эртага кўз дўхтирига мурожаат қилиши тайин. Даволангани билан бола бир умр кўриш қобилиятининг пастлигидан қийналиши, вақтида эътибор бермагани учун ота-онасидан норози бўлиши мумкин.

Мобиль телефон 7 ёшгача болаларга умуман мумкин эмас!

— Кейинги вақтларда болаларда ғилайлик ва миопия (узоқни кўролмаслик) кўпроқ учраяпти, — деди Самарқанд давлат тиббиёт университетининг офтальмология кафедраси ассистенти Феруза Ҳамидова. — Бу касалликлар айнан телефон, планшет, компьютер экранларига кўп қарашдан келиб чиқяпти. Аслида мобиль телефон 7 ёшгача бўлган болаларга мумкин эмас. 7 ёшдан бола бир кунда ярим соат, 12-14 ёшли болалар эса бир соатдан ортиқ телефон, планшет, компьютердан фойдаланмаслиги керак. Катта ёшдагилар ҳар ярим соатда 5-10 дақиқага компьютер экранидан узоқлашиши талаб этилади.

Замонавий гаджетлардан кўп фойдаланиш оқибатида одамларда қуруқ кўз синдроми касаллиги ҳам учраяпти. Масалан, телефонда бирор нарсани томоша қилиб ўтирган одам 1 дақиқа 3-4 марта мижжа қоқади. Аслида меъёр бўйича 1 дақиқада 18 марта мижжа қоқиши керак. Қуруқ кўз синдромида кўз ёшланиши, қум тиқилгандай бўлиши, ёт жисм ҳисси, эрталаб турганда кўз қуруқ бўлиши, кўзнинг толиқиши каби белгилар кузатилади.

Баъзилар компьютер учун махсус кўзойнаклар кўзнинг кўриш қобилиятини асрайди, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатда бу нотўғри фикр. Махсус кўзойнаклар экрандаги маълум нурларни қайтара олади, аммо кўриш қобилиятининг пасайишини қайтара олмайди. Юқорида айтганимдек, катта ёшдаги одамлар ҳам ҳар ярим соатда экрандан узоқлашиши лозим.

Бизга кўплаб абитуриентлар, мактаб ўқувчилари кўриш қобилиятининг пасаяётганидан шикоят қилиб келяпти. Суриштириб кўрсак, улар кўпинча уйга вазифани телефонда бажаради. Айрим ўқитувчилар ўқиш учун болаларга уйга вазифани китобдан эмас, телефонда беради. Бола уйга вазифани телефонда ўқийди, кўп вақтини экранга тикилиб ўтказади. Ўқитувчилардан болаларга фақат китобдан вазифа ва топшириқлар беришини илтимос қилган бўлардим.

Кўриш қобилияти пасайиб кетган болалар шифокор муолажасидан кейин ҳам юқоридаги нормаларга амал қилмаса, яна кўзи аввалгидек хиралашади. Шунинг учун касалликни даволашдан олдин уни келтириб чиқарувчи омиллардан четлашиш керак.

Ихтисослашган мактаб ўқувчиларига телефон тақиқланган, умумтаълим мактабларида-чи?

Яқинда ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси билан гаплашиб қолдим. Унинг айтишича, мактаб-интернатда фақат эрталаб ярим соатга ота-онаси билан гаплашиш учун ўқувчиларга қўл телефонлари берилади. Куннинг қолган вақтида ўқувчилар телефонларини мактаб ходимларига топширади.

Ихтисослаштирилган мактаб-интернатда дарслар соат 16: 00 гача давом этади. Дарсдан кейин тўгараклар бошланади. Ўқувчилар ўзи ёқтирган фанлар бўйича тўгарақларга қатнайди. Кечки овқатдан сўнг дарс тайёрлайди. Албатта, уйга вазифаларни китобдан ўқийди, телефондан эмас.

— Мактабимизда қўл телефонлар тақиқланган, — деди Каттақўрғон шаҳар ихтисослаштирилган мактаби директори Жавлон Абдуллаев. — Ҳар бир синфнинг телефон сақлайдиган қутиси бор. Ўқувчилар мактабга келгач, ўша қутига қўл телефонини солади. Дарслар тугаганидан кейин ўқувчиларнинг мобиль телефонлари қайтариб берилади. Ўқувчиларга телефонда бажариш учун уйга вазифа берилмайди. Улар иложи борича уй ишларини ҳам дарсдан кейин мактабнинг ўзида тайёрлашади. Шунинг учун ҳам ютуқларимиз билан фахрлана оламиз. 2023-2024 ўқув йилида мактабни 21 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 17 нафари давлат, 4 нафари хорижий олий таълим муассасаларининг талабаси бўлди. Ўқувчиларнинг ўртача кириш балларига нисбатан шаҳар мактаблари ўртасида 1-ўрин, вилоятдаги 1200 дан ортиқ мактаб ичида 10-ўринни эгаллади.

Ихтисослаштирилган мактабларда жорий этилган бундай тартиб, афсуски, умумий ўрта таълим мактабларида қўлланилмаяпти. Айрим ота-оналардан фарзанди дарс тайёрлаши учун қўл телефони олиб берганини эшитиб қоляпмиз. Хўш, нега умумтаълим мактабларида уйга вазифалар дарсликдан берилмайди? Шундоқ ҳам телефонга қарам бўлиб бораётган ёш авлодни фикрсизлик, кўриш қобилиятининг сусайиши каби дардлардан қутқариш вақти келмадими?

Хуршида ЭРНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ 16 КУНЛИК ФАОЛ ҲАРАКАТ

2-6.

Зўравонлик нафақат жисмоний, балки психологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли, зўравонликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Афсуски, аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик дунёдаги энг кенг тарқалган ва барча жойда мавжуд инсон ҳуқуқлари бузилишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда деярли ҳар учинчи аёл ҳаёти давомида камида бир марта яқин шериги томонидан жисмоний ёки руҳий зўравонлик ва нотаниш шахс томонидан жинсий зўравонлик ҳолатларидан бирини ёки иккаласини ҳам бошдан кечиради.

БМТ аёллар ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун курашиш куни — 25 ноябрда эълон қилинган халқаро ҳисоботга кўра, 2023 йилда 85 минг аёл ва қиз қасддан одам ўлдириш қурбони бўлган. Бундан ташқари, ушбу жиноятларнинг 60 фоизи — 51, 1 минг нафари яқин умр йўлдошлари ёки бошқа оила аъзолари томонидан содир этилган.

2008 йилдан буён бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Халқаро инсон ҳуқуқлари куни нишонланадиган 25 ноябрдан 10 декабргача “16 кунлик фаол ҳаракатлар” акцияси ўтказиб келинмоқда.



БМТ бош котиби Антониу Гутерриш аёллар ва қизларга нисбатан “зўравонлик эпидемияси”ни “инсоният учун шармандалик” деб атаган.

БМТ аёллар ташкилоти раҳбари Сима Бахус аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидлаган: “Бизга кучли қонунчилик, маълумотлар тўпламини яхшилаш, ҳукуматнинг масъулиятини ошириш, бағрикенглик маданиятини юксалтириш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ва институтларини кўпайтириш керак”.

Мавжуд маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ваҳшийлик қурбони бўлган аёлларнинг катта қисми (22% дан 37% гача) илгари шериги томонидан жисмоний, жинсий ёки руҳий зўравонликка учрагани ҳақида хабар берган. Бу шуни кўрсатадики, кўплаб қотилликларнинг олдини олиш мумкин бўлган.

Олий суд Жамоатчилик билан алоқалар маркази масъулининг маълум қилишича, Ўзбекистонда жорий йилнинг 10 ойи давомида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-2-моддаси (оилавий (маиший) зўравонлик) билан 15 427 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 9 210 нафарига жарима жазоси, 6 217 нафарига эса маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Хўш, бу ҳолатларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўллари борми?

Зўравонликка қарши курашишда жамиятнинг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши зарур. Бунда нафақат давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки ҳар бир инсоннинг масъулияти бор.

Зўравонликка қарши курашишда энг муҳим қадам — хабардорликни оширишдир. Жамиятда зўравонликнинг зарарли таъсирларини тушунтириш, оила ва мактабларда болаларни зўравонликнинг олдини олишга ўргатиш муҳимдир.

Шунингдек, давлат органлари томонидан ҳуқуқий чора-тадбирлар кучайтирилиши зарур. Зўравонлик қилган шахслар қонун олдида жавобгарликка тортилиши, жабрланувчиларга эса зарурий ёрдам ва ҳимоя кўрсатилиши керак.

Зўравонлик қурбонларига руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш уларнинг травмадан тезроқ тикланишига ёрдам беради. Жабрланувчилар атрофидагиларнинг қўллаб-қувватловини ҳис этиб, руҳий хотиржамликка эришишида психологлар, ижтимоий ходимлар ва маслаҳатчилар муҳим роль ўйнайдилар.

Зўравонликнинг олдини олиш учун жамиятда тенглик ва ўзаро ҳурматни ривожлантириш керак. Ҳар қандай табақага мансуб инсонлар бир-бирини ҳурмат қилиши зарур. Бу эса зўравонликни камайтиришга катта ҳисса қўшади.

Хулоса қиладиган бўлсак, зўравонлик — жамиятимизнинг ривожланиши ва фаровонлиги йўлидаги катта тўсиқдир. Ҳар биримиз зўравонликка қарши туриш, унинг олдини олиш ва уни камайтиришга ҳисса қўшишимиз лозим. Зўравонликнинг ҳеч қандай шакли оқланиши ёки қабул қилиниши мумкин эмас. Биз барча турдаги зўравонликка қаршимиз ва жамиятда тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ҳурматни тарғиб қилишда биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

Ислом АСИЛБЕКОВ.

ЁШЛАР ХАТОСИ УЧУН КИМ АЙБДОР?

1-6.

Интернет тармоқларидан доимий фойдаланиш чоғида телефондан тарқаладиган нур кўзлар ишини ёмонлаштириши ва бошқа аъзоларда ҳам хавфли хасталикларни келтириб чиқаришини аниқлаган олимлар мулоқот пайтида телефон зараридан сақланиш учун бир нечта маслаҳатлар ҳам беришган. Унга кўра, транспортда мобиль телефондан фойдаланмаган маъқул, сабаби, автомобилнинг металл қобиғи электромагнит нурланишни икки-уч баробар оширади. Рақамни тергач, алоқа ўрнатилгунига қадар телефонни қулоққа яқин тутмаслик керак, чунки зарур рақамни топиш учун телефон аппарати зўриқиб ишлайди ва бу жараёнда электромагнит тўлқинлар жуда кучли бўлади. Кун давомида телефондан 60 дақиқадан ортиқ фойдаланиш фақатгина зарар келтиради.

Бундай хабарларни катталар, албатта, у-бу жойдан эшитишган, тиббиётдан хабари борлар эса яхши билишади. Лекин аҳволни ўзгартиришга уриниб ҳам кўрилмайди. Ота кечқурун ишдан келгач, боласи ҳадеб саволга тутавермаслиги учун ё бошқа сабаб туфайли телефонини унинг қўлига тутқазади. Она ҳам ошхона юмуши ё кир-чирга улгуриш учун кичкинтойига телефонини бериб қўяди. Қарабсизки, бола мук тушганча соатлаб телефонда ўйин томоша қилади, ота ҳам, она ҳам уларнинг шўхлик қилмай, жимгина ўтиришганидан хурсанд.

Ота-оналарнинг хатоси қай бир кун фарзандларнинг бундан ҳам каттароқ хатоларига сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, телефон туфайли боланинг соғлиғига жиддий зиён етаяпти, иккинчидан, бола асосий машғулотлар (боғча ё мактабдан берилган вазифалар)ни юзаки бажариб, доимо телефон билан банд бўлмоқда. Ҳатто мактабдаги дарслардан қочиб, турли жойларда компьютер ўйинлари билан вақт ўтказаётганлар ҳам бор.

Бугунги кунда болалар ўртасида доимий телефон ўйинларини кўриш оқибатида аутизм (доим ўзи билан ўзи бўлиб, ён-атрофга бефарқлик билан кечадиган руҳий ўзгариш ҳолати), шунингдек, кўз касалликлари (масалан, оқибати кўрликкача олиб борадиган астигматизм нуқсони сингарилар) кўпайиб бораётган ва шифокорлар аҳолини бундан қайта-қайта огоҳлантираётган экан, демак, эндиликда ота-оналар болалари назоратини янада кучайтиришлари ва уларни телефонга мутеликдан асраб қолишлари керак.

ДОНОЛИК ЙЎЛИДАН БОРИЛСА

Халқимизнинг тийнати, фитрати ва зийнати жо бўлган инсонийлик фазилатларига дунё ҳавас қилади. Олимлар тадқиқотлари натижаларига кўра, ғарбликлар маданияти асосида ҳам Шарқ маданияти, маънавияти ва кўҳна ижтимоий турмушининг тамойиллари ётади. Ғарбда турли соҳада ном қозонган буюклар кўп, лекин Шарқда ундан-да зиёд, балки бир қанча ҳисса ошиқроқ. Уларнинг руҳларини шод қилиб, хотираларини абадийлаштириш йўлида юртимизда йирик ишлар қилинаётган бир пайтда шундай улуғ инсонлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишга қизиқувчилар унчалик кўп эмас. Қайси бир алломамиз қай ишлари билан тарихга киргани сўралса, деярли кўпчилик аниқ жавоб беролмайди.

Туркияда ишлаб келган дўстимизнинг гапларини эслайман:

— Истанбулда бекат атрофида бирор таниқли шахс йирикроқ хусусий корхона ё катта клиника очган бўлса, автобус тўхтаганда, албатта, бу овозкучайтиргич орқали алоҳида таъкидланаркан. “Сиз доктор профессор Холидун жаноблари клиникаси ёнидаги бекатга келдингиз” сингари... Шунда ҳар хил жойлардан келган йўловчилар Туркияда шундай клиника очган профессор борлигидан хабардор бўлишаркан. Японларда эса бирор киши илм йўлидан бориб, тарихий ишга қўл урса, кундалик ташвишларга чалғимаслиги учун ҳамма яқинлари унинг оиласига кўмак беришаркан. Нима бўлганда ҳам шу инсон Япония тараққиётига ҳисса қўшишдек улкан ишни охирига етказиши учун бараварига қўллаб-қувватлаб, зарур шароитни яратиб беришаркан.

Аслида, дунё биздан кўп-кўп ўрганмоқда, лекин маънавий-маърифий масалаларда бизнинг ҳам улардан ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар бор...

Автобусда кетаётгандим. Пушкин майдони ёнидан ўтаётганда олдинги ўриндиқдаги кекса рус аёлдан ёнидаги бош-олти ёшлардаги набираси сўраб қолди:

— Анави киши ким?

— Бу Пушкиннинг ҳайкали.

— Пушкин ким?

Шунда буви набирага Пушкиннинг кимлиги, қандай тарбия топгани, ўқигани, ким бўлиб етишгани, ҳамма-ҳаммасини эринмасдан тушунтирди. Набира эса кўзларини катта-катта очиб, бувисининг гапларини бўлмасдан эшитиб ўтирди.

Ўшанда ўйладим. Биз фарзандларга гапириб беришимизга арзигулик буюк шахслар шу қадар кўпки, улар юртимизда яшаб ўтишган, илм йўлида қилган улуғ ишларидан эса бутун олам ҳамон ҳайратда.

Илмий манбаларда келтирилишича, жаҳон тамаддунига ўзининг кучли таъсирини кўрсатган олти нафар алломанинг бештаси Ватанимиздан етишиб чиққан. Булар — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, олтинчиси испаниялик араб Ибн Рушд.

Юртимизда дастлабки Маъмун академиясига (Али ибн Маъмун —Хоразмшоҳ даврида) асос солинган. Шарқ қадимдан то ҳозирга қадар минглаб-миллионлаб илму урфон соҳибларининг макони бўлиб келмоқда.

Илм шундайки, у ақлга қувват беради, руҳни озиқлантиради, кишининг ҳаётда тўғри йўлдан боришига кўмаклашади. Илм жамики муаммоларнинг калити. Муқаддас китобимизда ҳам “илм” сўзи 754 жойда келтирилган. “Мужодала” сурасининг 11-оятида “Аллоҳ таоло сизлардан иймон келтирганларнинг ва илмли бўлганларнинг даражасини кўтаради”, дейилган. Илм олиш ибодатларнинг афзалидир деб кўрсатилган. Машҳур туркигўй адиб Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) асарида келтиради:

Болам тутсин десанг донолик йўлин,
Кичикликдан теккиз билимга қўлин.

Японияда болаларга ота-оналари: “Сен Япония келажаги учун нимадир қилишинг керак”, деб тинмай таъкидлаб туришаркан. Бу фикр миясига сингдирилган бола ана шу катта мақсад йўлидаги илмларга бутун куч-қувватини йўналтиради.

Кишиларимиз орасида юрт фидойилари жуда кўп. Лекин бор куч-қувватини кўпроқ пул ишлаб топиш, баланд уй-жойлар қуриш, ҳашаматли тўйлар қилиш, бой бўлиб яшаш истаги йўлида сарфлаётганлар ҳам анчагина. Бу яхши, албатта. Бизнингча, фарзандларини китоб ўқишга ундайдиган, уларга тез-тез китоблар сотиб олиб бериб, ўқишини мунтазам назорат қиладиганлар сафи янада кенгайса, фарзандлар онгу шуурига илмли бўлиш иштиёқини жо этсак, нур устига аъло нур бўларди.

Бахт-саодатга фақатгина илм орқали эришиш мумкин, деб таъкидлайлик уларга.

ЯНА ЎША “БАҚЛАЖОН”

Баъзи кичкинтойларнинг ота-оналари баъзида кулиб-кулиб айтадиган бир гап, кўп вақт бўлдики, тарқалиб кетган.

— Кичкинам боғчада кунига эрталаб “бақлажон”ни айтамиз, дейди.

Аввалига тушунмагандим. Кейин билсам, ҳар тонгда бутун юртимиз бўйлаб ғурур билан айтиладиган давлат мадҳиясининг биринчи қаторидаги “Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт-нажот” сатрларининг охирги сўзини кўплаб боғча болалари аслидай айтишолмас экан. Аянчлиси, буни боғча тарбиячиларининг ўзлари ҳам билишса-да, индашмайди. Бир куни тарбиячи билан суҳбатлашаётиб, шунга ишора қилдим:

— Болаларни тўплаб, шу сўзни машқ қилдирсангиз, тўғрилаб айтадиган бўлишади.

— Фойдаси йўқ. Болаларнинг тили келишмайди, шунинг учун ўзларига мослаштириб олган. Шу жойини сал бошқача қилиб ёзишса бўлар экан-а?

Ажабо, савияни қаранг!

Ўйлаб қаралса, боғча ёшидаги болалар ҳамма гапни бурро-бурро қилиб айта олишади. “Тили келишмайди” дейиш бир баҳона, қолаверса, тилимиздаги гўзал сўзларга катта ҳурматсизликдир. Ахир болаларимизга ўзбекча сўзларнинг маъно-мазмунини тушунтириб, аслидай айтишга ўргатишимиз зарур, негаки улар Ўзбекистонда яшашади, Япония ё Америкада эмас!

Дарвоқе, Америка... Анча йиллардан бери Америкада яшаётган танишларимиз ора-сира она юртга келиб туришади. Бир гал уларни меҳмонга чақирдик. Лагандаги ошдан тарелкасига солиб еяётган ўн беш ёшли ўғиллари нуқул бошини силкиб “о-о” дейди, оғзини тўлдириб “таом ширин бўпти” деёлмайди. “Раҳмат” сўзиниям базўр айтади. Қизиғи, ота ҳам, она ҳам ўғлига инглизча гапиради.

Ҳар жойда “миллати” дейиладиган жойга “ўзбек” деб ёзиладиган бу бола биттаям ўзбекча сўзни билмаса-я! Америкада туғилиб-ўсган, у ернинг боғча-мактабига қатнаган экан, нима бўпти? Фақат бугина эмас. Америка ё бошқа давлатларга бориб яшаётган кўплаб оилалар ўша жойларда шахсий бизнесини йўлга қўйиб, ишда ёки ўқишда катта ютуқларга эришаётгандир. Лекин уларнинг фарзандлари-чи? Ўзбекона қадриятларимиздан йироқда ўсаётган бу болаларнинг келажаги қандай бўларкин? Муҳими, чет элда яшаётган ота-оналар болаларининг ўзбекона урф-одатларимизни унутмасликларини ўзлари ҳам чин дилдан истаб, бунинг учун астойдил қайғурармикин, ҳамма гап шунда.

Тарихга назар ташласак, узоқ йиллар Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлар ҳамиша ўзларининг тарихи, маданияти, маънавий мерослари ва она тилларига содиқ қолишган. Гарчи хизматида мўғуллар ва ҳиндлар саноқсиз бўлса-да, бирор марта уларнинг тилида сўзлашишмаган. Мажлислар, суҳбатлар доимо туркий тил (эски ўзбек тили)да ўтказилган, шу тилда девонлар тузилган. Фарзандларга туркий тил ва туркий маданият асослари ўргатиб борилган.

...Ўша куни танишимизнинг аёлидан: “Ўзбекистонга қачондир қайтиб келасизларми?” деб сўрадим. Кулимсираб “йўқ” дегандек бош чайқади. Меҳмонимизнинг дўстларидан бири — грин-карта ютиб олиб, оиласи билан беш-олти йилдан бери ўша ёқда яшаётган йигит менга ҳазиломуз гап қотди:

— Сиз кийимингизни тескари кийиб, сочларингизни ёйиб, ҳовлида баланд товушда қўшиқ айтиб юра оласизми?

— Йўғ-э, нима деяпсиз?

— Нимага шунақа юролмайсиз?

— Қўрганлар нима дейди, уят-ку!

— Мана шунақа-да, бошқаларни ўйлайсиз. Америкада шунақа юрсангиз, ҳеч ким ҳеч нарса демайди. У ерда биров билан бировнинг иши йўқ...

Бировнинг биров билан иши бўлмаслиги катта фожиа, манқуртларча яшашнинг бир кўриниши десаям бўлади.

“Бошқалар тақдири учун масъулмиз!” деган ҳаётий шиор бор бизда. “Ўзгалар бахти учун курашиб, ўз бахтимизни ҳам топамиз” деган ҳикматни айтиб кетган алломаларимиздан бири. Ён-атрофимиздагилар ғамга ботса, биз ҳам куюнамиз, ҳаётида яхшилик бўлса, бараварига суюнамиз.

“Эркин ҳаёт”нинг кимлар учундир яхши томонлари бордир, лекин ёмон томони ҳаддан зиёд кўп. Болаларга сал овозини қаттиқроқ кўтариб гапириш ҳам “жиноят” ҳисобланадиган бундай жойларда ёшларнинг турли номаъқул одатлари кўпайгандан-кўпайиб, “Киберпанк” тусида гавдаланмоқда. Жамоат жойларида ит ё мушук ниқобини тақиб, шу жониворлардек тўрт оёқлаб юриб, уларга ўхшаб увиллаётганларнинг видеотасвирини кўрибоқ даҳшатга тушасан киши. Ўша томонларда эса юзлаб-минглаб ўзбек оилаларининг болалари ҳам яшайди...

РАНЖИТИШ БОР, УЗР СЎРАШ ЙЎҚ...

Ҳадису шарифларда ҳам кишининг илиқ сўзли, мулойим табиатли бўлишига ишора қилинади. Лекин бу кун жамоат жойларида, айниқса, бозорларда бир-бирини ҳақоратлаш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Аслида, бозор ҳам тирикчилик учун бир йўлда юрганларнинг кичик бир мамлакати, лекин ундаги ўзаро муносабатларда дағаллик ва қўполлик кўп, одамшинавандалик ва аҳиллик кам.

Кўпинча сотувчи аёллар харидор талашиб ё бошқа сабабга кўра бир-бирига шунақа ёмон сўзларни айтишадики, эшитиб, қочишга жой излаб қоласан киши. Эркаклар феълида ҳам босиқлик йўқ, ғазаб кўп. Маршруткалар бекатида йўловчи талашиб ё автотураргоҳларда оддий бир ҳолат учун бир-бирини аямай сўкишади, ҳатто ён-атрофда аёллар борлигини ҳам унутишади.

Бировни ранжитгач, ундан узр сўраш қанчалик қийин бўлмасин, жуда ноёб ва нодир одатдир. Бу борада японлар ва кореяликларнинг одатларига ҳавас қиламиз. Ҳаммаси бир-бирига эгилиб, неча-неча марталаб узр сўрайверади. Кечиримлиликда кекса авлод ёшларга ўрнак бўлади. Япон мактабларида бошланғич синфлар болаларига бир-икки йил давомида фанлардан эмас, фақат ахлоқ-одобдан дарс ўтиларкан. Шу мавзуга оид мультфильмлар ва кўплаб видеороликлар ҳам ишланган.

Аждодларимиз жуда кечиримли бўлиб, ўзгаларнинг дилини оғритишни оғир гуноҳ ҳисоблашган. Эндиликда ўзларини замонавий ҳисоблаб, бу қадриятни унутаётганлар бор. Кўп ҳолларда мактабдан йиғлаб келган набирасини жанжаллашган тенгдоши билан яраштириш учун кечирим сўрашга ундаган кекса кишига, албатта, боланинг отаси ё онаси қарши чиқади:

— Қўрқоқ эмаслигингни кўрсатиб қўй, кейинги сафар сен ҳам уни боплаб калтакла! — дейди ота ўғлига.

— Юмшоқсупурги бўлма, ҳаққингни ажратиб ол, — дейди она ҳам.

Қарабсизки, болада кечиримлилик хислати эмас, ички исён ва нафрат ҳисси уйғонади!

Эндиликда ёшлар ўртасида оммавий муштлашувлар, самосуд қилишлар, ҳатто совуқ қурол билан қўрқитишлар бола феълидаги нафрат ва исённинг улғайиши туфайли эмасмикин?!

Қувайтда ўн йиллар ишлаб келган танишимизнинг айтишича, одамлар ҳар қандай вазиятда бир-бирини аяб сўзлашишаркан. Албатта, турли нохушликлар, йўлда машиналарнинг бир-бирига урилиб шикастланишлари у ерлардаям учрайди. Шундай вақтда ҳар икки томон йиғилишиб: “Аллоҳ бундан баттаридан сақлаб қолди-ку, бир-биримиздан рози бўлайлик”, деб очиқ кўнгиллик билан тарқалишаркан. Бақир-чақир қилиб савдолашиш йўқ, асабийлашиш йўқ, ҳаммани бошига йиғиш йўқ...

“Одам яхши гапларини бир-бировига айтиб қолиши керак”, дер эди кўп йиллик қадрдоним, ургутлик Роҳатой ҳожи она. Қайсидир йили меҳмон бўлиб келганларида шаҳарни айлантирдим. Шунда денг, Чорсу бозори ёнида жанжалнинг устидан чиқиб қолдик. Аямай ҳақоратлашлар, сўкинишлар... Меҳмоним олдида уялиб кетдим. Шаҳар жойларда батартиб, бамаъни одамлар яшайди, деган гапларни кўп айтадиган ҳожи онамнинг кўнглидан қандай ўй-хаёллар кечганикин ўшанда...

ПСИХОЛОГНИ ТАНЛАШ КЕРАК (МИ?)

Бу кун интернет орқали ўз маслаҳатларини бераётган психологлар шу қадар кўпки, улар бу борада гўё бир-бирлари билан мусобақалашаётгандай туюлади. Ҳатто илгарилари “психолог” билан “психиатр” сўзини бир-биридан фарқлолмай нуқул адаштирадиганлар ҳам эндиликда уларнинг каналларини топиб, турли масалаларда маслаҳатлар олиб туришибди. Бир жиҳатдан бу яхши бўлиб кўринади. Негаки, турмушда турли хил нохуш воқеа-ҳодисалар рўй берганда, баъзан психологга муҳтожлик сезамиз. Аммо танганинг иккинчи томони бор. Психолог мушкул вазиятдан чиқишимиз учун қандай йўлни қулай қилиб кўрсатади, ҳамма гап шунда...

“Бир қариндошим психологга қатнарди, унинг маслаҳатларига амал қиламан деб ахийри турмушидан ажрашди”, дейди кимдир.

Яна кимдир “Психологлар фақат қулоққа айтилиши керак бўлган интим муносабатлар хусусидаги маслаҳатларни интернетга қўйиши шартми, бу ўсмир ёшларга порнографик таъсир кўрсатиши мумкин, шу масалада маслаҳатга муҳтож шахсни қабулига чақириб, ўзига айтса бўлади-ку”, дейди.

Хуллас, психологни танлаш имконияти йўқ, кўплаб ёшларимиз эса интернет орқали учраган маслаҳатларни эшитиб ўтиришади.

Бахтга эришиш сири, руҳий тушкунликдан чиқиш, кечиримлиликка бағишланган дарслари билан танилган психологлар бор. Лекин айримлари “Ҳар бир нарсада ўзимни маъқуллайман деб такрорланг!”, “Ўзингизга юқори баҳо беринг, фақат ўзингизни севинг!”, “Ўзгаларнинг сиз ҳақингиздаги фикрлари билан асло қизиқманг!”, “Сиз билан боғлиқ ҳар қандай ёмон ишлар содир бўлганда ҳам ўзингизни айбламанг” қабилидаги тавсияларни уқтиришяпти. Интернетда, асосан, ёшлар ўтиришини ҳисобга олсак, бундай йўл-йўриқлар уларнинг руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатиб, ҳаётини бошқа ўзанларга буриб юбормасмикин, мана шуниси ташвишлироқ...

Бир вақтлардаги “кўк кит”га ўхшаб кетадиган ўйинлар ҳам борки, улар мияга турли босимлар ўтказиш усули билан руҳий аҳволни ўзгартиришга сабаб бўлади. Чет эллардан кириб келаётган “Қўзғалувчанлик” (ёки “мактаб ўқувчисини қўзғатиш” маъносида) ўйини даҳшатларидан бири бола руҳиятини хатарли ишга йўналтириш (масалан, ярим тунда бориб газ плитаси мурватини бураш, кейин ҳеч нарса бўлмагандек бориб ўринга ётиш ёки ўзининг қўрқмас ва довюраклигини исботлаш учун машина қатнаётган йўл ўртасида кўндаланг туриб олиш сингарилар)дан иборат. Бола ҳаётини фожиага айлантирадиган бу каби ўйинларга берилмаслиги учун ота-оналар фарзандларини қаттиқ назорат қилишлари керак бўлади.

Қадимги Хитой донишманди Конфуций айтади: “Икки киши билан бирга бўлсам, ҳар бири мен учун ўқитувчидир, уларда яхши хислатни кўрсам, тақлид қиламан, ёмон сифатни кўрсам, уни ўзимда тузатишга уринаман”. Аслида, ҳар биримиз атрофимиздагилар учун ўқитувчимиз. Бир-биримизга ўргатамиз, шу аснода бир-биримиздан ўрганамиз.

Ёшларни “интернет тарбияси”дан чалғитиб, унинг ўрнига китоб, газета-журналларни ўқишга қизиқтиришнинг турли йўллари излаб топилса, бу жамият келажаги учун ҳам арзигулик гўзал натижа бўларди. Зеро, ёшлар содир этган хатолар ортида катталарнинг масъулиятсизлиги турар экан, эндиликда тарбияга жиддий ёндашиш кўпроқ аҳамиятлидир.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЭНГ КАТТА МУКОФОТ — ОДАМЛАР ИШОНЧИ

1-б.

Тадбирни уюшманинг вилоят бўлими раиси Акрам Ҳайдаров олиб борди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Фармон Тошев, вилоят телерадиокомпанияси директори ўринбосари Дилмурод Исматов, уюшма аъзолари ва шогирдлар Мустаҳкам Тангриёрованинг ишга масъулияти, жонкуярлиги, эътиборлилиги, меҳрибонлиги билан боғлиқ унутилмас воқеаларни эсга олдилар.

Мустаҳкам Тангриёрова ижодий фаолиятини 1987 йилда “Ленин йўли” — ҳозирги “Зарафшон” газетасидан бошлаган. Дастлаб мусаҳҳиҳ ёрдамчиси, мухбир бўлиб ишлаган. Вилоят телевидениесида қатор



кўрсатувлар тайёрлаган. “Улуғбек воислари” газетасида муҳаррирлик қилган, “Xabar.uz” ахборот-таҳлилий порталида ҳамда халқаро сайтларда ишлаган. Муштарийлар уни “Асрагим келади сени, Регистон!”, “Қандай яшаяпсиз, одамлар?”, “Тупроқ қазиб, тупроқлар остида қолган болам...”, “Қадимий маҳаллалар, томошагоҳ ҳовлилар”, “Нега бефарқмиз?”, “Ўғил туғмаган аёл хорликка маҳкумми?” каби долзарб мавзуларда ёзилган мақолалари орқали яхши танийдилар.

— Салкам қирқ йиллик фаолиятим давомида журналист учун энг катта мукофот одамлар ишончи эканини англадим, — деди Мустаҳкам Тангриёрова. — Бугун бўлиб ўтган дийдор учрашуви мени ўша даврга хаёлан қайтариш билан бирга, ижодга бўлган меҳримни янада орттирди. Бунинг учун ҳаммадан миннатдорман.

Тадбир якунида М.Тангиёровага Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ташаккурномаси, совғаси ҳамда “Зарафшон” газетаси кутубхонаси” туркумида чоп этилган китоблар жамланмаси туҳфа этилди.

ОНАЛИК — ОЛИЙ УНВОН

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист Элмира Раҳмонова соҳадаги узоқ йиллик фаолияти даврида қардош халқлар ўртасидаги қардошлик ва тотувликни, миллатлараро бағрикенгликнинг аҳамиятини ҳаётий мисолларда акс эттиришга, халқлараро бирдамликни мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ҳаётини кенг ёритишга публицистик мақолалари билан муносиб ҳисса қўшди.

Тажрибали устознинг бу меҳнатлари Қозоғистон Республикаси “QO‘SH QANOT” ижод жамғармаси томонидан ҳам муносиб тақдирланди, фидойи журналист аёллар учун энг олий унвон — “АСЫЛ АНА” медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Элмира Раҳмоновани юксак эҳтиром билан қизғин табриклайди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати

ФАРҒОНАДА ҚЎШ ТАНТАНАЛАР

Президент мактабларига илм масканлари андозаси сифатида ҳам қаралади. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими фарғоналик журналистлар учун бу ерга медиатур ташкил этди. Мактаб маъмурияти қатнашчиларга таълимнинг мукаммаллашган тармоғи ҳақида батафсил маълумот берди. Журналистлар синф хоналари жиҳозидаги креативлик, ўқувчиларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Тадбирда вилоят журналистлари махсус ихтисослаштирилган 19 та мактаб раҳбар ҳамда вакиллари билан ҳам учрашдилар. Бу анжуманда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Х.Салимов иштирок этди.

Шундан кейин Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида давом этган тадбирда журналистлар, шоир ва ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари, вилоятнинг шаҳар-туман ахборот-кутубхона марказлари ходимлари қатнашдилар. “Китобсевар миллат” шиори остида ўтган ушбу тадбирда “Китобхон болалар” ва “Дунё даҳолари” туркумида чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилди.

— Альберт Эйнштейн, Леонардо да Винчи, Стив Жобс, Муҳаммад Али каби машҳур инсонлар ҳақидаги бу китоблар ўқувчиларни ўзлари орзу қилган қаҳрамонлар билан ғойибдан учраштиради, уларга юксак мақсадларга эришиш йўлларини ўргатади, — дейди Қўқон шаҳар ахборот-кутубхона маркази раҳбари Рустамжон Ҳусанов.

Шу куни вилоятдаги Президент мактаби ва ихтисослаштирилган мактаблар кутубхоналарига, Фарғона вилоят ҳамда шаҳар-туман ахборот-кутубхона марказларига уюшма ташаббуси билан чоп этилган 10 номдаги 820 дона китоб тақдим этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ўтган йиллар давомида вилоят ОАВлари ходимлари, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида 15 дан зиёд китоблар чоп



этди. Бу — журналистлар шахсига, фаолиятига катта эътибор, эҳтиром белгиси. Вилоят ОАВлари раҳбар ва вакиллари иштирокидаги анжуман чоғида иш фаолиятида заруратга айланган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” — 6 жилдлик тўплам беғараз совға қилиниши журналистлар учун ғоят қувончли бўлди. Бу хайрли ишда яқиндан ҳамкорлик қилган “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Фарғона сув таъминоти” АЖ раҳбарларига уюшма вилоят бўлимининг ташаккурномалари топширилди.

Тантанали тадбир чоғида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган фарғоналик етти нафар оммавий ахборот воситалари ходимларига аъзолик билети ва кўкрак нишонлари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган ҳафтада Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилган тадбирларда Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Андижон вилоятларидаги Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар, ушбу вилоятлар марказий ва шаҳар-туман ахборот-кутубхона марказларига ўн номдаги 2460 дона китоб тақдим этилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси.

МАЪНАВИЙ ЭКСПЕРТИЗА — ҚОНУН ТАЛАБИ!

1-б.

Ўз-ўзидан келиб чиқадики, ижодий фаолият эркинлиги ҳам маънавий-ахлоқий нормалар доирасида бўлиши керак. Қонуннинг 21-моддаси концерт-томоша тадбирларида одоб-ахлоқ қоидаларига, маънавиятга, миллий менталитетга мувофиқ бўлган мусиқий асарлар ижро этилишини тақозо этади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, маънавий-ахлоқий мезонларга зид медиамаҳсулотларнинг намойиш этилиши ва тарқатилишига йўл қўймаслик учун мутасадди идоралар ва ташкилотлар томонидан махсус қарорлар қабул қилинишига ва бу борада амалга ошириладиган ишларни “маънавий экспертиза” деб номлашга хеч қандай зарурат йўқ. Чунки бундай ишларни амалга ошириш ахборот, маданият, санъат соҳаларини тартибга солишга, жамиятимизда маънавият ва маърифат тарғиботига масъул мутасадди идоралар ва ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси каби ижодий профессионал ташкилотларнинг кундалик вазифаси, уларнинг низомларида, уставларида белгиланган функцияларидир. Бундан ташқари, қонунларимизга мувофиқ маданий медиамаҳсулотларни яратувчи ва тарқатувчи ташкилотларда бадиий кенгашлар мавжуд бўлиши керак, улар қонун талабларидан келиб чиқиб ишласа қўшимча яна “маънавий экспертиза” гуруҳларини ташкил қилишга зарурат бўлмайди.

Айни пайтда аҳолимиз “истеъмол” қиладиган медиамаҳсулотлар борасида аҳвол жуда ачинарли ва нотўғри талқин қилинадиган сўз ва ижод эркинлиги байроғи остида йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда.

Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири — назорат ва цензура тушунчаларининг фарқланмаслигида. “Цензура қилинмасин” деб назорат ҳам қилинмайдиган бўлиб қолди...

Цензура — ахборотни эълон қилишдан олдин махсус идора томонидан текшириш. Бу қонун билан тақиқланган. Лекин ахборот тарқатиш қоидалари бор! Сўз эркинлиги дегани ҳар ким хоҳлаганини хоҳлаган шаклда яратишга ва тарқатишга ҳақли дегани эмас! Шахсий автомобилингизни исталган жойда, исталган вақтда ҳайдашингиз мумкин — сиз эркинсиз! Лекин йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишга мажбурсиз, ушбу қоидаларга шахсий мулкингиздан фойдаланишга чеклов сифатида қараш мумкин эмас.

Яна бир сабаб шундан иборатки, аксарият ОАВлар, маданият ва санъат соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хусусий бизнес тузилма — тадбиркорлик субъекти шаклида фаолият юритишади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ тадбиркорлик — “тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”. Яъни, ҳаммамиз биламизки, бизнеснинг асосий мақсади — фойда олиш. Бугун ана шу мақсадга эришиш жазавасига тушган интернет-сайтлар, хусусий телеканаллар, қўшиқчи, киночи шоуменлар одамлар эътиборини тортиш, рейтингини ошириш, реклама берувчиларни жалб этиш йўлида кўплаб савиясиз кўрсатувларни, сериалларни эфирга узатмоқдалар, шов-шувли ахборотларни тарқатмоқдалар.

Одамларимиз давлат телеканалларига қараганда хусусий телеканалларни кўпроқ томоша қиладилар. Бу телеканаллар эса фойдали ахборот билан эмас, балки бадиий савияси паст, мазмуни саёз сериаллар, шоуменларнинг бачкана қилиқлари-ю тутуриқсиз, тил қоидаларини бузиб, кўча тилида айтилган гапларига бой кўнгилочар шоу-дастурлар, бемаъни, енгил-елпи қўшиқлар, шов-шувли янгиликлар билан одамларни ўзига жалб қилмоқда. Уларнинг аксарият кўрсатувлари инсон онгу тафаккури, руҳияти, дунёқараши, маънавиятига, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи ахборот — маънавий заҳардир.

Ҳар жойда янграётган бемаъни қўшиқлар сон-саноқсиз... Шоу-бизнесменларнинг сохта маҳсулотлари маънавий хаётимизда асл мусиқий санъат асарлари ўрнини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда... Уларнинг бемаъни, савиясиз, бачкана, енгил-елпи мусиқасимон шовқин шаклидаги “ижод” маҳсулотлари телерадиоканаллар, интернет, ижтимоий тармоқлар, концертлар, оммавий тадбирлар, тўю томошалар, кўча-кўйда, кафе-ресторанларда, барча жамоат жойларида тақдим этилиб, тарғиб, реклама қилиниб, инсонларнинг мусиқий дидини тубанлаштирмоқда, улар онгини заҳарламоқда, маънавиятини емирмоқда.

Мисоллар: “Атрофингда шаҳзодалар кўп. Кел, ўшалар олдида мен ғарибни битта ўп” деб куйланадиган шоу-бизнес маҳсулоти ҳалигача “хит” асар бўлиб қолмоқда... Ҳатто давлатга қарашли “Наво” телеканали орқали ҳам шоуменларнинг бемаъни қўшиқлари пуллик асосда эфирга берилиши давом этмоқда... Буни тўхтатиш керак! Давлат телеканали шундай қилаётган бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин ахир?!

Президентимиз 2017 йил 3 август куни, юртимиз зиёлилари билан ўтган учрашувда “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Мана, етти йилдан кўп вақт ўтди. Афсуски, давлат раҳбарининг ушбу кўрсатмаси ОАВ ходимлари, мутасадди давлат органлари, депутатлик корпуси, ижодкор зиёлиларимиз томонидан ҳалигача англаб етилмади. Натижада бизнес субъекти бўлган ташкилотлар ва шахслар томонидан яратилаётган ва тарқатилаётган зарарли медиамаҳсулотлар кундан-кунга кўпайиб, жамиятимизда маънавий емирилиш аломатларини кучайтирмоқда.

Медиамаҳсулотларни яратиш ва тарқатиш соҳасида маънавият сари бурилиш қилиш учун оммавий ахборот воситаларини, маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларни тадбиркорлик субъекти эмас, балки фақат нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) ташкилий-ҳуқуқий шаклида фаолият кўрсатиши мумкинлигини назарда тутувчи меъёрни қонун йўли билан белгилаб қўйишнинг вақти аллақачон келган!

Мутасадди идоралар — Ахборот ва оммавий коммуникациалар агентлиги ва Маданият вазирлиги қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатларини ишга солиб, ахборот ва маданий фаолият соҳаларида маънавий заҳар тарқатаётган шахслар ва оммавий ахборот воситалари, жумладан, хусусий телеканалларга нисбатан тегишли чораларни кўришлари шарт деб ўйлайман.

Мамлакатимиз зиёлиларининг жамоат ташкилотлари — журналистлар, ёзувчилар, композиторлар уюшмалари ҳам жим турмасдан, Маънавият ва маърифат маркази билан бир қаторда медиамаҳсулотлар борасида маънавият сари бурилиш ясашда фаолроқ бўлиб, жамоатчилик орасида тушунтириш, тарғибот ишларини жадаллаштиришлари керак.

Хуллас, медиамаҳсулот яратиш ва тарқатиш қоидаларини замон талаблари, ҳаёт воқеликлари, соғлом информацион ва маънавий муҳит яратиш заруратидан келиб чиқиб такомиллаштириш, қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бу борада қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш — ҳаётий зарурат.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ҲАМКАСБ

КАСБГА МУҲАББАТ

ёки армони йўқ журналист ҳақида

Йиллар ўтгани сари одамлар орасидан бир нарсани излай бошладим. Бу — муҳаббат. Аввало, ўзига, қолаверса, Ватанига, она халқига, атрофидаги одамларга, жамоасига ва, энг асосийси, касбига муҳаббат. Зотан, юраги муҳаббат билан тўйинган киши кўп нарсаларга қодир ва тайёр бўлади. Агарки касбига муҳаббат қўйган инсондан бирор юмуш сўралса, ҳар қандай вазият ва ҳар қандай шароитда ҳам у дастлаб хизмат бурчини устун қўяди. Шахсий манфаат ва бошқа нарсалар кейинги даражада туради. Бу хислат эса, айниқса, бугунги кунда ниҳоятда қадрланади ва шундай бўлиши ҳам лозим.

Шу маънода Тошкент вилоятида чоп этиладиган “Машъал” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Толиб Ҳакимов жуда катта ўрнак мактабини яратиб келмоқда. Эҳтимол, бу ном кўплар учун маълум ва машҳур бўлмаслиги мумкин. Дарҳақиқат, ҳозир таниқлиликнинг мезонлари бир оз ўзгарган. Агарки касбига, сўзига, ирфоний эътиқод ва шахсий қадриятларига содиқ одамлар жамиятда машҳур бўлганида, Толиб Ҳакимов давримизнинг энг таниқли инсонларидан бири бўларди.

Ҳамкасбимизни қирқ йилдан буён бир газетада, бир жамоада — бир даргоҳда меҳнат қилаётгани учун касбига содиқ, матбуотга садоқатли журналист демоқчи эмасмиз. Тўғри, чиндан ҳам Толиб Ҳакимов қирқ йилдан бери бир жойда ишлайди. Қирқ йилдан буён унинг “йўл харитаси” ўзгарган эмас. У бош муҳаррирлик қилаётган газета Тошкент вилоятидаги энг илғор нашрлардан бири. Нурафшон шаҳри ва Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимликлари муассислигидаги ушбу ижтимоий-сиёсий нашрда эълон қилинаётган материаллар ҳам мазмунан, ҳам географик нуқтаи назардан, қолаверса, дизайн жиҳатидан ҳам мамлакатимиздаги туман газеталарига намуна сифатида кўрсатишга арзигулик.

Умрининг қирқ йилини матбуотга бағишлаган ва бир марта бериладиган ҳаётининг бу вақтини бир газетада ўтказаётган қадрдонимиз Толиб Ҳакимов 2011 йилда “Машъал” газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. У газета ишини янги босқичга олиб чиқиб, матбуотчиликнинг энг сўнгги ютуқларини таҳририятга олиб келди, амалиётга татбиқ қилди. Хусусан, саккиз саҳифали газетага рангли саҳифалар қўшилди, ижодий жамоага қулай шароитлар яратилди, матбаа сифати ҳам ошди. Ўтган йиллар мобайнида газетхонлар билан яхши алоқа йўлга қўйилди. Муштарийлар ўз изҳорларини, фикр ва таклифларини севимли газетасига ёзадилар, таҳририят эса ўз вазифаси — таҳрир ишини адо этиб, уни матбуот орқали эълон қилади. Энг муҳим гап — таҳририда. Чунки ҳозирги кунга келиб жузъий иқтисодий қийинчилик ва молиявий муаммолар билан андармон бўлиб юрган газета муҳаррирлари кўп ҳам таҳрирга аҳамият қаратмай қўйди. Бунинг оқибатида замонавий журналистикада таҳрир оқсай бошлади, савия саёзлашди. Бугунги кунда газета ва газетхон ўртасидаги айрим нуқсонлар ва “мажбурий обуна” деган сунъий ёрлиқ туфайли бир қанча таҳририятлар аҳволи танг бўлиб турган бир пайтда “Машъал” газетасининг адади чакки эмас. 2024 йил мобайнида бу газета қарийб уч минг нусхада чоп этиб келинмоқда. Маҳаллий газета учун бу ёмон кўрсаткич эмас. Мана шу хайрли ишларнинг бошида Толиб Ҳакимов турибди. Шу боис уни касбига содиқ ва фидойи журналист десак хато бўлмас.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш лозимки, раҳбарлик — йўғон бўйинбоғни бўйинга боғлаб, йиғилишларда савлат тўкиб юриш дегани эмас. Таъкидланганидек, Толиб Ҳакимов — истеъдодли ижодкор. Унинг муаллифлигидаги бир қанча танқидий-таҳлилий, ҳажвий мақолалар кўп марта кенг муҳокамаларга, туман миқёсида баҳсларга сабаб бўлган. Аммо ҳар доим муаллиф ўз мақсадига эришган. Таҳлилий мақола ёрдамида ҳолат рўйирост кўрсатилган, танқидий мақола орқали вазият яхшиланган. Толиб Ҳакимовнинг ҳажвий-журналистик асарлари алоҳида мавзу. Унинг шогирди, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Отабек Исроилов яқинда “Адабиёт зиёси” газетасида босилган мақоласида шундай ёзган:

“Ўтган аср 80-йиллари охирида “Машъал” газетасининг 1 апрель сонида чиққан бир мақолани шарҳламоқчиман.

Ушбу мақолада қадимий Тўйтепа шаҳридаги кўҳна тепаликлардан бирини қазиётган йигитларнинг дафинага дуч келганлиги ва ушбу дафинадан топилган қимматбаҳо гавҳар ва тангалар — хазинанинг қиймати тўғрисида сўз боради. Ушбу топилма тумандаги масъулларга топширилгани, уни тадқиқ этиш учун нафақат Тошкентдан, балки ўша вақтдаги марказ — Москва ҳамда дунёнинг бошқа бурчакларидан олим ва тадқиқотчилар ташрифи кутилаётгани ҳамда бойлик кучайтирилган тартибда қўриқланаётгани айтилади. Мақоланинг ниҳоясида эса газета чоп этилган кунга ишора қилиниб, бу 1 апрель ҳазили эканлиги маълум қилинади.

Эҳтимол, бир журналистнинг енгил юмори ёки “Машъал” газетасида чиқариш истагида экан.

Дарвоқе, ўша кезлари туман маркази Тўйтепанинг қоқ ўртасида катта бир сунъий ҳовуз бўлар эди. Ёнғин хавфсизлиги учунми, ё экзотика учунми, ёки бошқа мақсадда қурилганмиди — бунисини билмасдик. Аммо ўша сунъий ҳовуз ташландиқ ҳолатга келиб қолган, у хунук кўринишидан ташқари одамларга, айниқса, ўйинқароқ болалар учун жиддий хавф туғдирарди.

Фантастик мақолада муаллиф ҳеч ким эътибор бермай қўйган бу сунъий ҳовузга ҳатто ўзга сайёраликлар ҳам жуда қизиқиб қолганлиги, уни одамлар нима учун қуришганию, энди нима учун қаровсиз ташлаб қўйишганини астойдил билиш мақсадида тун ярмида “учар ликопчалар”да Тўйтепанинг қоқ марказига қўниб, бу “сирли объект”ни ўрганганлиги ва, алалхусус, бу ҳовузга қопқоқ ўрнатиб кетишгани ҳажв қилинади.

Бу ғайритабиий воқелик акс этган мақола газетада эълон қилингач, анча шовшувларга сабаб бўлди. Бир оз вақт ўтгач, бу ташландиқ ҳовуз текислаб ташланди”.

Шу икки мақола ва ундаги фикрларни далолат қилиб келтирган ҳолда айтиш мумкинки, Толиб Ҳакимов — юморнинг етук устаси.

“Машъал” газетасида бош муҳаррир давом эттираётган бир анъанани алоҳида қайд этиш жоиз. Бу — адабий соат. Вазирлар Маҳкамасида “Ҳукумат соати”, ҳудудий ҳокимликларда “Ҳокимлик соати”, ҳатто шифохоналарда “беш дақиқа” деган мажлислар ўтказилади. Жумладан, барча газета таҳририятларида ҳар ҳафта аввалида адабий соат йиғилишлари ўтказилар, бунда газетанинг ўтган ҳафта мобайнида чоп этилган сонлари таҳлил қилинар, ютуқ ва камчиликлар юзма-юз муҳокама қилинар ҳамда янги ҳафта режасига тартиб берилар эди. Айни кунларда аксарият газета таҳририятларида бу анъана йўқолаёзди. Бироқ “Машъал” газетасида бундай адабий соат йиғинлари Толиб Ҳакимов раислигида ҳар ҳафта ўтказиб келинади. Бу мажлисбозлик эмас, билъакс, “Машъал” газетаси эришаётган ютуқларнинг омилларидан биридир.

Толиб Ҳакимов — дуо олган йигит. Нафақат ота-онасидан, балки устозларидан ҳам. Нуроний ёшга етган отасига меҳрибон, эъзоз билан хизматда, оилада ҳам ака-укаларига ўрнак бўлган бўлса, жамоада устозларини эъзозлаб, янги авлод журналистларига, ҳамкасбларига намуна.



Фармонига мувофиқ Толиб Ҳакимов “Дўстлик” ордени билан мукофотланди. “Дўстлик” ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантирганликлари учун мукофотланадилар. Албатта, Толиб Ҳакимов ҳам миллатлар ва давлатлараро дўстликни ардоқлайди, ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшиб келмоқда. Аммо, айтишни истардимки, у — энг аввало, дўстликни эъзозлайдиган, қадрини биладиган инсон.

Мақола аввалида касбга муҳаббат ҳақида сўз очган эдик. Йиллар давомида турли ташкилотларда меҳнат қилиб, кўпчилик билан танишганман, бирга ишлаганман. Агарки ходим ўз ишини севмаса, касбига муҳаббат қўймаса, натижадорликка эришиш жуда оғир кечади. Бундай ходим жамоага ортиқча юкдек гап. Толиб Ҳакимов эса ўзидаги касб муҳаббатини жамоадошларига, шогирдларига ҳам сингдира олган муҳаррир, раҳбардир.

Ўзидан яхши фарзандлар, яхши ном, яхши шогирдлар қолдираётган инсоннинг бу дунёда армони бўлмайди, албатта. Шу маънода ўзининг камолот ёшига пешвоз чиққан олтмиш ёшли муҳаррирнинг ҳам армони йўқ десак хато қилмасак керак. Омон бўлинг, ижодий ютуқлар бардавом бўлсин, қадрли ҳамкасб биродаримиз!

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

ХИЛҚАТ

КЎЛГА ҚЎЛ БЕРГАН ҚЎРҒОН



Бу жойлар билан батафсил танишишга илмий-амалий сафар давомида вақт етмади, уни фақат узоқдан кузатиш мумкин бўлди: ётиқ қияликдан тепага кетган (аниқроғи, тушган) из хас-хашаклар қоплаб олган бўлса ҳам аниқ билиниб турарди. Дунё кезган, шоҳ ва шоир Бобур изидан юриб, кўп сафарларда иштирок этган тажрибали журналист Фаррух Расулов ҳам гап нимадалигини ҳис этгач: "Бунда нимадир бор..." деди тагдор қилиб. Диққатни тортадиган жиҳат шундаки, баланд тепаликдан қуйига "ариқ" тушган, аммо тап-тақир дўнглик (халқ тилида у "Қўрғон" деб юритилган) дан қуйига ариқ туширишда мантиқ йўқ. Пастдаги Кўл (ҳақиқатан, унинг ўрни билиниб турибди, икки гектарча ерни эгаллаган, палахса-палахса ёрилиб ётибди) дан юқорига сув чиқмаслиги ҳам аниқ. Демак, Қўрғон ва Кўлни боғловчи сирли йўл бўлган. Агар изнинг ўрни ҳозир ҳам 2,5-3 метрлар чамаси эканлигини ҳисобга олсак, ер остида каттагина иншоот қурилгани маълум бўлади. Бу нима бўлиши мумкин?

Мабодо у ер ости йўли (тим) бўлмаганмикан?! Йиллар ўтган ва чўккан, ундан сиртда шу из пайдо бўлган! Биз ҳам ҳозирча шу тўхтамга келдик. Агар бу фараз рост бўлса, ушбу манзилда катта синоат яшириниб ётибди. Аввало, хилват тоғлар қуршовида бундай қурилманинг яратилиши ажабланарли. Оддий мантиқ шуки, Қўрғондан қуйига — Кўлга ер ости йўли тушириш фақат сув таъминоти учун зарур. Агар чамаси бир чақиримлар лаҳим қазиб, унинг устини ёпиб, зиналар билан таъминлашни ҳисобга олсак, бу анчагина катта юмуш ҳисобланади, уни қуришга йиллар кетган. Демак, бу масканда узоқ вақт (ўн йиллар) давомида яшаш кўзда тутилган бўлиб чиқади.

Маскан ва унинг стратегик мақсадларини тўла тасаввур қилиш учун Қўрғон ҳамда Кўлнинг жойлашиш манзарасига эътибор қаратайлик. Қуёш шарқдан, кўп марта таърифлаганимиз Амир Темур ғори жойлашган Шерлар қалъаси дарасини ўраб турган чўққилар ортидан юз кўрсатади. Тоғ 20-30 чақиримлар пастлаб боради, шимолдан келган Қизилдарё ва шарқдан келган Қалъа суви бир нуқтада туташади. Худди шу ўринда, дарёнинг бу бетида ярим чақиримлар юксакликда гўё улкан кема ястаниб ётибди. Унинг дум қисмида, қияликда Тошқўрғон қишлоғи жойлашган (эди). Кеманинг бош қисмида эса тепасида 2-3 футбол майдони кенглигида текислиги бўлган Қўрғон. Кеманинг ўртасида — Кўл. Бизни қизиқтираётган синоат ана шу жойда мавжуддир.

Яқин ўтмиш манзаралари шуни тасдиқлайдики, Қўрғоннинг тепасидаги кенг майдонда биноларнинг пойдеворлари сақланиб турарди. Улар тошлар тахланиб кўтарилгани аниқ эди. Қишлоқ одамлари тошларни қуйига думалатиб, қурилишга ишлатганлар. Ҳатто мактаб пойдевори, атрофидаги девор ва ҳовлидаги йўлаклар шу Қўрғоннинг ўқувчилар елкасида кўтариб келган тошларидан тикланган эди. Тошлар кавлаб олинар (уларнинг тагида илонлар кўп бўлган), ерда эса омоч билан деҳқончилик қилинарди. Баъзан ер ҳайдаётганда ул-бул ашёлар ҳам чиқиб қолган, табиийки, улар "эскилик сарқити" бўлганидан, одамлар қўрқиб кетганидан оғиз очмаган. Лекин аниқ эслайман, бир гал яқин ҳамсоямиз уста Ғаффорнинг олдидан метал коса чиқиб қолгани гап бўлган, аммо тезда "иси" йўқотилган. Хуллас, бу масканда одамлар муқим яшагани, Қўрғон устида эса сунъий равишда қўл кучи билан қалъа кўтарилгани аниқ. Энди навбатдаги савол туғилади: хўш, бу ерда кимлар яшаган? Қуйидаги Кўлдан тепадаги Қўрғонга ер ости йўли (агар у тасдиқланса) чиқаришнинг қандай зарурати бўлган (ёвгарчилик, қорли-қировли кунлар...) ва бундай катта ҳажмли қурилиш қай йўсинда амалга оширилган? Саволлар кўп.

Қўрғон қурилиши ҳақида бир ҳикоятни эшитганман. Менга уни мулла Раҳматулла (Худо раҳмат қилсин) айтиб берган: "Мошинчи момам бир қўшиқни хиргойи қиларди. Қизиқиб сўраганимда, уни қишлоқ хотинлари тўқиган, деб айтарди. Тарихи ҳам қизиқ эди: бир ҳукмдор қўрғон (қалъа) қурмоқчи бўлиб, жами йигитларни яқин-атрофдан тош ташишга жалб қилибди. Жуда қийнаб, кечаю кундуз ишлатибди. Ҳатто уйларига рухсат ҳам бермабди (сабаби, хотинларини кўрса, кучи кетиб қолади, деган экан). Бир кун ҳукмдор ишнинг боришини кузатгани келадиган бўлибди. Буни эшитган хотинлар жам бўлиб, даф чалиб қўшиқ билан унга пешвоз чиқишибди. Қўшиқда ҳукмдор, унинг бунёдкорлиги таърифланиб, охирида "Зулмингизнинг зўридан... тўшакларимиз рўза тутди (ундан ҳам очиқ)", деб, ўз аҳволларини баён этишибди. Шунда ҳукмдор хатосини тушуниб, йигитларни вақти-вақти билан уйига қўядиган бўлибди". "Мошинчи момо" — қишлоқда ягона "Зингер" тикув машинасига эга бўлган Бибисора ая (жойи жаннатда бўлсин!) бу қўшиқни неча авлодидан яқин кунларгача етказган — буниси Яратганга аён, аммо мулла ўша қўшиқни ёзиб олмаганидан жуда афсусланган эди (ҳа, кўп нарсалар бой берилганидан кейин қадри билинади). Шу кичкина далилнинг ўзи Қўрғон билан боғлиқ кўп нарсаларга ойдинлик киритади, унинг Кўлга нега "қўл бергани" эса жиддий тадқиқотларни талаб этади. Шундай эмасми?

Олис тарих ҳақиқатлари қанчалаб далиллар, тахминлар, фаразлар қобиғига ўраниб ётибди! Уларни бир-бир ечиб, ядродаги мояни кашф этиш нечоғлик юксак истеъдод, машаққатли меҳнатни талаб этади! Фақат оёқ босиб турганимиз шу заминни муқаддас билиб, унинг тупроғини тўтиё қилибгина, оташин меҳр билан заргарона назар ташлабгина унинг мағзига етиш мумкин. Бизнинг баён қиладиган баъзи мулоҳазаларимиз асло тайёр ҳақиқатликни даъво қилмайди, балки шундай саъй-ҳаракатга туртки бўлиши мумкин. Даврлар ўтди, замонлар ўзгарди, қанча ҳукмдор келиб кетди, аммо мўътабар манбаларда қайд этилган тупроқ жойида собит турибди-ку ахир! Унинг "таржимаи ҳоли"ни тиклаш борасидаги ҳаракатлар ҳам эзгу бир амал, яхшилик йўлидаги уриниш деб қабул қилинмоғи лозим.

Ҳурматли устозимиз, йирик тадқиқотчи олим Поён Равшанов "Қашқадарё тарихи" ("Фан" нашриёти, 1995 йил) деб номланган монографиясида шундай қайдларни келтирган эканлар: "Искандар Бохтар Заминнинг ўша вақтдаги энг мустаҳкам қўрғонларидан бири Тошқўрғонни ҳам забт этишга муваффақ бўлди. Ўша пайтда бу қалъа юнон тарихчиси (Арриан)га Аори деган номда маълум бўлган" (30-бет). Китобнинг бошқа бир жойида шундай маълумотлар баён этилади: "Ҳисор тоғи этакларида ҳам бир қанча кишилик манзиллари кашф этилган. Бу, шубҳасиз, Суғд ва Бохтарни боғлайдиган йўлларнинг Тошқўрғон ва Оқработ орқали ўтиши билан ҳам узвий боғлиқлиги важидан вужудга келган қишлоқ ва қасабалар бўлса керак... Курсий Руф ва Арриан Александр Македонскийнинг Навтакага Габаз (Тошқўрғон) орқали ўтиб келганлигини ёзиб қолдирганлар" (114-бет).

Эътибор беринг, гап бундан 2,5-3 минг йиллар олдинги воқеалар ҳақида кетаяпти. Бу орада дунё неча алвон айланган, цивилизациялар янгиланган, шаҳарлар пайдо бўлиб, ўрни яна тап-тақир бўлган, аммо воқеалар шарҳи бизгача етиб келган, унинг гувоҳлари — салобатли тоғлар собит, лекин, афсуски, улар гапира олмайди. Албатта, тарихнинг бу суронлари рўй берганидан кейинги йиллар давомида вақт шамоли, бўронлари қанча нарсани йўқотиб юборди, аммо улардан чумолининг изича нимадир қолган-ку! Энди мантиқ ўша унсурларга заррабин билан боқиб ўтмиш ҳақиқатини кашф этишдир. Кўлга ер ости йўли — бу, балки Оксиартнинг қизи Рухшона учун қурилган қасрга хизмат қилгандир, балки бу қаср Вахшивордадир. Аммо унинг шу заминда — Туронда барпо этилгани аниқ. Лекин қаерда, қани?

Биз асло ҳали ўрни ҳеч кимга маълум эмас, аммо тарихий манбаларда батафсил таърифланган маликанинг қасри айнан шу жойда, деган фикрдан йироқмиз. Аммо Александр Македонскийнинг тарихчилари қайд этган манзиллар айни шу ўрамда бўлса (олим Поён Равшанов бу маълумотларни "История Узбекистана в источниках", Т., 1984 йил", китобидан келтирган), демак, бу ҳудудлар йиллар давомида ўзига хос карвон йўллари ўтадиган ва туташадиган марказга айланган ҳамда вазият талаби билан йирик иншоотлар, бинолар қурилган. Шунга кўра Қўрғон устида аҳоли манзилгоҳи барпо этилгани ҳам мантиққа тўғри келади. Бу жойни биладиган одамлар тасдиқлаши мумкинки, манзил чиндан ҳам жўғрофий қулай ўринда, у атрофдан анча баланд ва унда теваракни бемалол кузатиш мумкин. Албатта, юнонлардан кейин ҳам тараққиёт давом этди, кейинги ҳукмдорлар замонида ҳам бу манзиллар қандайдир мақсадларга хизмат қилгани тайин.

Шундай муҳокамалар ўрамида фикр бир жойда тўхтайди: хўш, теваракда Амир Темур номи билан боғлиқ жойлар кўп учрар экан, бу масканнинг Соҳибқиронга дахли йўқмикан? Ахир "Зафар йўли" (1992) китобида "Йигирма икки ёшимда... Аррафот тоғида аскар тўпламоқчилигимни айтдим" (39-бет) тарзидаги гаплар бор ва Бовурчи (ҳозир унга "Титаник" деб ном қўйиб олишибди) чўққисидан шимолда арранинг тишларидек саф тортган чўққилар кўриниб турибди-ку! Бундан олдин ҳам бу жойлар Темурбекнинг отасига тегишли мулк бўлгандир.

Мазкур фаразларда қанчалик ҳақиқат бор, билмадик, лекин битта катта савол айланаверади: Темурбек ҳаётини гаровга тикиб, босқинчиларга қарши кураш майдонига чиқди. Уни гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро атрофларида, гоҳ Муборак чўлларида-ю қорақалпоқ даштларида, ҳатто Амударёнинг нариги соҳилида кўрамиз. Ана шундай суронли ва талотўп кунларда унинг аҳли оиласи қаерда жон сақлаган ва мулки қандай муҳофаза қилинган? (Таъкид бизники. Ҳ. С.) Ҳолбуки, 1360 йилгача, яъни Моваруннаҳр тахтини эгаллашга киришгунча унинг икки нафар ўғли, отасидан қолган мол-мулки, шунга яраша хизматкорлари-ю бошқа аъёнлари бўлган. Албатта, душман ўлжа илинжида изғиб юрган текисликларда кун кўриш жуда катта қийинчиликлар туғдирарди. Мўғуллар асосий душмани сифатида майдонга чиққан Темурбекнинг хонадонини йўқ қилиши аниқ эди, балки бундай ҳаракатлар ҳам бўлгандир. Ана шундай таҳликали вазиятда, мабодо Темурбекнинг оиласи чўққилар қуршовидаги шу ҳудудлардан паноҳ топмаганмикан? Қўрғон ҳам етарлича муҳофаза қилинган, ҳатто ер ости йўли барпо этилган, тирикчиликнинг узоқ даврига муносиб шароит таъминланмаганмикан? Ахир Амир Темур Турон мулкининг султони деб эълон қилингунча ўн йиллар (1370 йилгача) ўтиб кетди-ку!

Қўрғон жанубга томон қуйилаб кетади. Анча пастда Тошмаланг, Катта Ғаланг, Кичик Ғаланг (бу сўзларни бирор маъно ташмикан, деб келтираяпман) деган тепачалар бор. Одамлар бу жойлар қабристон бўлганини бот-бот эслатар, лекин ундан бирор асар қолмаган, тош бўлаклари билан қопланиб ётарди. Балки ер қаърида нимадир бордир, аммо бу жойларнинг бир метри ҳам ўрганилмаган, кўздан пана жойлар. Мутахассисларнинг айтишича, текисликда юмушлар тиқилиб ётибди, тоғ археологиясини ўрганишга ҳали навбат келмабди. Нима деймиз, ҳаммасини келажакка қолдириб, яна ёзма манбаларга мурожаат қиламиз.

Тарих синоатлари ва уларнинг бадиий (тарихий) талқини бўйича йўлда давом этамиз. Яна ҳазрат Алишер Навоийнинг шоҳ асарларидан бирини қўлга олайлик. Зеро, олдин қайд этганимиздек ("Ғорда ажиб воқе дурур" эссеси), буюк шоир "Сабъаи сайёр" достонида шу ҳудудларга муборак назарларини солганлар. Достоннинг 25-бобида Файлақус ҳаким ва шаҳзода Саъднинг ғор айвонидаги суҳбати жараёнида Каш (Шаҳрисабз) йўлидаги бир қасрни обдан таърифлайдилар. Шаҳрисабз шоҳининг қизини шавқ билан тасвирлаб:

Ул эрур шоҳи сабзпўш қизи,
Ки қуёш кўҳлидур оёғин изи... —

дея ул пари бир қалъада яшашини маълум қиладилар ва қалъани батафсил васф этадилар:

Шоҳға қалъаи дурур олий,
Рифъат ичра сипеҳр тимсоли.
Бир бийик қулла узра ул қўрғон,
Буржи кўк қалъасиға таън урғон.
Шоҳ қўрғон аро ясаб бир қаср,
Анда сокиндурур ул офати аср.
Қаср даврида уч ҳисор дурур,
Буржлари анда чархвор қурур.
Ҳар ҳисорида бир бийик дарбанд,
Рифъат ичра келиб фалак пайванд.
Лек дарбандлар очилмай ҳеч,
Ҳаддин ортуқ йўлида тоб ила печ...

Файлақус ҳаким Саъдга жуда мустаҳкам қўриқланаётган ана шу қалъа ичидаги уч ҳисорни қандай фатҳ этиш йўлларини миридан-сиригача тушунтиради, йўл-йўриқ кўрсатиб, олға чорлайди. Достоннинг давомида шаҳзоданинг ўз мақсадига етиш йўлидаги тадбирлари, уни сеҳр-жоду, девлар, "занги"ларни бартараф этиб, ҳисорни мусаххар қилгани баробарида қалъанинг гўзалликлари ҳам васф этилади. Саъд мақсадга етгач, бу ҳақда Шаҳрисабзга хабар етади...

Ботиний маъноларга тўйинган бу сатрларда қандай ҳикмат яширин? Ростдан, Шаҳрисабз билан боғлиқ ҳикоятни достонга киритиш фикри буюк шоирда қандай пайдо бўлган ва ул зоти киром бу жойлар ҳақида тасаввурга эга эдими? Ёки маълумотларни қайси манбалардан ўқиганлар, кимларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлганлар? Биз учун энг шарафлиси эса заррин қалам билан шундай шоҳ сатрларнинг битилгани!..

Кўриниб турибдики, мўътабар манбаларда қайд қилинган ва таърифланган жойлар айни пайтда ҳам тупроқлар остида, йиллар ғубори қуршовида боқий турибди ва олис мозийдан бизгача етиб келган хабарларни тасдиқламоқда. Неча йиллардан бери савлат тўкиб турган тепалик, ундан қуйига тушган из... аммо унинг сирини очишга навбат етмаган. Агар одамзод тарихининг 99 фоизи археологик тадқиқотлар билан ўрганилганини қайд этсак, ундаги кичкина артефакт ёки унсур жуда катта ҳақиқатларга йўл очади. Бу борада дунё археология фани етарлича тажриба тўплаган.

Оддийгина Троянинг очилиш тарихини эслайлик. Унинг асосчиси Генрих Шлиман (1822-1890)га кичкинагина унсур дастак бўлганди. Ҳолбуки, шунгача кўп тадқиқотчилар тарихий шаҳарнинг ўрнини бошқа жойдан белгилаб келганлар. Катта коммерсант, дунё кезган олим Шлиман масалага амалий ёндашади ва мақсадига эришади.

Қашқадарёнинг чекка бир тоғ қишлоғида эса тарих синоати ўзига йўл очиб турибди, унинг белгилари манаман деб, тадқиқотчиларни чорламоқда. Билганлар бу синоатни билаяпти, билмаганлар эса олдидан ғофил ўтиб кетаяпти, гоҳида унинг атрофида турли мантиқли фаразлар эълон қилинмоқда. Умид шулдирки, соҳа мутасаддилари бу масалага ўз муносабатларини билдирадилар. Мабодо барча фаразлар инкор этилганда ҳам бир йирик тадқиқот фанда қолади. Зеро, бу жойлар дунё нигоҳида турганлиги сир эмас. Албатта, миллий мутахассисларимиз уларга иш қолдирмайдилар.

Ҳаким САТТОРИЙ.

ХОРИЖ

БАЙДЕН ВА МАКРОН ЛИВАНДА СУЛҲ ЭЪЛОН ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

АҚШ ва Франция президентлари Жо Байден ва Эммануэл Макрон Исроил армияси ва "Ҳизбуллоҳ" ташкилоти ўртасида жанглар давом этаётган Ливанда яқин 36 соат ичида оташкесим эълон қилишга тайёрланмоқда. Бу ҳақда "Reuters" Ливаннинг тўрт нафар юқори мартабали амалдорига таяниб хабар берган.



Журналистларга кўра, Исроил вазирлар маҳкамаси "Ҳизбуллоҳ" билан сулҳ битимини тасдиқлаш учун йиғилишни режалаштирган. Ливан парламенти спикери ўринбосари Элиас Бу Сааб "Reuters" агентлигига берган изоҳида, агар Исроил бош вазири Бинямин Нетаняҳу "фикрини ўзгартирмаса", Байрут АҚШ таклиф қилган ўт очишни тўхтатиш режасини амалга оширишда "жиддий тўсиқлар" кўрмаслигини маълум қилган.

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗДА ЧЎКИБ КЕТГАН КЕМА

Миср ҳарбий-денгиз кучларига қарашли ҳарбий кема ва ҳарбий авиация бедарак йўқолган 17 кишини қидириш ишларига жалб этилган.

Миср ҳукумати Қизил денгизда ичида 31 нафар турист бўлган кема чўкиб кетганини маълум қилган, деб хабар бермоқда "BBC".



Маълумотларга кўра, жорий йил 25 ноябрь куни соат 05:30 да "Sea Story" кемасидан офат сигнали келиб тушган. Ушбу кема 24 ноябрь куни Марса Алам шаҳри яқинидаги портдан беш кунлик дайвинг-тур учун чиқиб кетган — унинг бортида 31 нафар турист ва 14 нафар экипаж аъзоси бўлган.

Қизил денгиз провинцияси губернатори Амр Ҳанафийнинг таъкидлашича, омон қолганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, унинг қўшимча қилишича, Миср Ҳарбий-денгиз кучларига қарашли ҳарбий кема ва ҳарбий авиация бедарак йўқолганларни қидиришга жалб этилган.

Марса Алам маҳаллий кенгашига кўра, "Sea Story" экипажининг барча аъзолари — мисрликлардир, туристлар орасида Буюк Британия, Испания, Германия, АҚШ, Словакия, Швейцария, Бельгия, Полша, Норвегия, Ирландия, Финландия ва Хитой фуқаролари ҳам бўлган.

"SAMSUNG" РАҲБАРИГА ҚАМОҚ ЖАЗОСИ СЎРАЛМОҚДА

Жанубий Корея апелляция судида прокурорлар "Samsung Electronics" президенти Ли Чже Ённи акцияларни манипуляция қилиш ва шуъба компанияларни бирлаштиришда фирибгарликка йўл қўйганига оид айбловлар билан жазога тортишга уринмоқда, деб хабар берган "Reuters".



Жанубий Корея прокуратураси шуъба компанияларининг қўшиб юборилиши бўйича баҳсли ишни кўриб чиқаётган апелляция суди доирасида Ли Чже Ён учун беш йиллик қамоқ жазосини сўраган. Айблов версиясига кўра, ушбу жараён Ли Ённинг корпорация устидан назоратини кучайтиришга хизмат қилган.

Жорий йилнинг февраль ойида Сеул суди Ли Чже Ённи бухгалтерия ҳисоботидаги фирибгарликлар ва акцияларни манипуляция қилиш айбловида оқлаган, аммо прокуратура апелляция берган эди.

Аммо прокурорлар Лининг ҳаракатлари акциядорларга зарар етказгани ва корпоратив шаффофликка оид қонунларни бузганини таъкидлаб, оқлов ҳукми қайта кўриб чиқилишини талаб қилмоқда.

ИШЧИ КУЧИ ЕТИШМОВЧИЛИГИ МАҲБУСЛАР БИЛАН ҚОПЛАНАДИМИ?

Буюк Британия ҳукумати ишчи кучи етишмаётганига боғлиқ муаммони ўн минглаб маҳбуслар ва "Британияни ишлашга мажбурлаш" дастури доирасида жазо ўтаб чиққанлар орқали қоплашни режа қилмоқда, деб хабар берган "The Times".



"Бирор ҳудудда, масалан, қурувчилар етишмай қолса, маҳаллий қамоқхоналарда маҳбусларни бунга ўқитиш бўйича курслар ташкил этилади. Улар озодликка чиққанидан кейин муаммони ҳал этишга жалб қилинади", — дейилган хабарда. Бундан ташқари, пенитенциар муассасаларда мутахассисликка эга маҳбусларни ишга жойлаштиришга ёрдам берадиган марказлар фаолият юритади.

Лондон иш берувчиларни рағбатлантириш орқали кўпроқ маҳбусларни ишга ёллашга ундамоқчи. Бунда, ишга жойлаштириш бўйича маслаҳат кенгашлари орқали маҳбуслар меҳмонхона бизнесига ҳам жалб этилиши мумкин.

ЭРОН ЯДРО ДАСТУРИ БЎЙИЧА МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗАДИ

Эрон жорий йилнинг 29 ноябрь куни Франция, Германия ва Буюк Британия билан ядро дастури бўйича музокаралар ўтказади. Бу ҳақда Эроннинг "ISNA" давлат агентлиги мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили Эсмоил Багайга таяниб хабар берган.



Унга кўра, учрашув ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида бўлиб ўтади. Музокаралар сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясида бўлиб ўтган Нью-Йоркдаги аввалги алоқаларнинг давоми бўлиши кутилмоқда.

"Нью-Йоркда режалаштирилган ушбу музокаралар раундида бир қатор минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Фаластин ва Ливан, шунингдек, ядровий муаммолар муҳокама қилинади", деган Э.Багай.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

МИЛЛИЙЛИККА КУШАНДА "МИЛЛИЙ" СЕРИАЛЛАР



1-б. ***— Асрлар давомида халқ ҳаётининг ажралмас қисми бўлган бир қатор қадриятларимиз ўтган юз йил давомида юпқариб, кўплаб моддий ва номоддий меросларимиз йўқолиб борди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий соҳаларидаги янгиланишлар, изланишлар туфайли бундай йўқотишлар аста-секин тикланиб бормоқда.***

Аммо қизиғи, Замирахон, "Зангори экран"лар орқали хонадонларимизга ўттиз йиллар муқаддам кириб келган киносериаллар жуда кўп(!) оилалар турмушининг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Дарахтни силкитсанг, салкам сериал ёғиладигандек... Миллий сериалларимизнинг илдизлари қай ирмоқлардан сув ичди?

— Илгари телепостановка дейиларди, дастлаб 4-5 қисмли телепостановкалар ишланган. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Мирзо Улуғбек ҳақидаги; "Гирдоб", "Диёнат", "Дунёнинг ишлари", "Баҳор қайтмайди" каби кўп қисмли телепостановкалар сценарийси таниқли, иқтидорли ёзувчиларимиз асарлари асосида ёзилган. Уларнинг ҳаммаси студияда видеотасвирга олинган. Биринчи марта натурада, яъни студиядан ташқари йўлларда, хонадонлар, табиатда ҳам тасвирга олиниб ишланган кўп қисмли видеофильм бу — режиссёр Мели Маҳкамовнинг "Қутлуғ қон" видео асари.

Тақрорлайман, дастлабки телесериаллар сценарийси фақат машҳур ёзувчиларнинг қаламига мансуб, халқ ўқиган, эътироф этган асарлар бўйича ёзилган. Алоҳида телесценарист йўқ эди, режиссёрнинг ўзи сценарий ёзмаган.

— Ўша сериаллар ҳозир сақланганми?

— Ҳаммаси "Олтин фонд"га олиб қўйилган. Айни шу кунларда "Диёнат" телепостановкаси "Маҳалла" каналидан эфирга узатиляпти. Тўғри, анча сифат кетган, лекин ундан ҳозирги сценаристлар ҳам, режиссёрлар ҳам кўп нарса ўрганиши мумкин.

— Миллий сериалларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга эҳтиёж туғилдими ё бошқа сабаб борми?

— Ўтган асрнинг охирги ўн йилликларидан бошлаб чет элда ишланган сериаллар кириб кела бошлади. Масалан, Бразилиянинг "Канизак Изаура", туркларнинг "Оила" (ўзимиздаги "Оталар сўзи"га ўхшаган)... ҳинд, корейс, япон сериаллари кенг томошабинларни ўзига жалб этди. Шуларга ўхшатиб бизда ҳам "Кўнгил кўчалари", "Аёл зоти", "Чархпалак" деган кўп серияли телепостановкалар ишланди. Мухлислар яхши қабул қилди, лекин улар кўпинча охирига етмай тўхтаб қолиши томошабиннинг асабига тега бошлади. Бунга, асосан, маблағ етишмаслиги сабаб бўлди. Чунки машҳур асарлар асосида ёзилган сценарийга нисбатан муаллифнинг янгидан ёзган асари сценарийсига тўланадиган қалам ҳақи қиммат бўлади.

Шундан кейин туркий сериаллар сотиб олиниб, эфирларни босиб кетди. "Ошин" сериали машҳур бўлди. Телеэкранларни хорижий фильмлар эгаллаб олди. Шунда Биринчи Президент "Нима учун ўзимизнинг миллий сериалларимиз йўқ?" деган масалани кўндаланг қўйди. Давлат раҳбарининг 2005 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида"ги қарорида "Миллий сериал" ижодий-ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш" вазифаси қўйилганди.

— Адашмасам, ўша қарордан кейин биринчи ишланган сериал "Туташ тақдирлар" эди. Унга сиз муаллиф ва режиссёрлик қилгансиз...

— Ҳа, бунга сабаб шуки, айни шу қарор чиқиши арафасида менинг беш қисмдан иборат "Гулхан атрофидагилар" видеофильмим эфирга узатилган, томошабинлар ва кинотанқидчилар орасида ижобий фикрлар олган, ҳатто Давлат мукофотига номзод қилиб ҳам қўйилганди. Сурхондарёлик муаллиф Зойир Мамажоновнинг қиссаси асосида ёзилган эди, асарнинг композицион тузилиши, ундаги қаҳрамонлар менга машҳур қозоқ ёзувчиси Мар Байжиевнинг асарларини эслатганди. Видеофильм шов-шув бўлиб кетди. Шунинг учун "Бизда ҳам сериаллар ишлаш мумкин, бу ишда тажрибали ижодкорлар бор" деган фикр пайдо бўлди. Ҳам ўзи сценарий ёзиб, ҳам ўзи режиссёрлик қила оларкан, деб бу ишни менга топширишган бўлса керак.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ишлардим. "Туташ тақдирлар" 54 серия бўлди. Ташкилий ишларда, муаллифликни белгилашда кутилмаган вазиятлар ҳам бўлди. Бир ёқда "Телефильм"дагилар бу катта ишни бажаришга ўзларини энг ҳақли деб билишарди. Лекин улар ишлаган телемаҳсулотлар миллийликдан узоқлашиб кетади, деган фикрда раҳбарият бу ишга мени жалб қилишган.

— Ўша пайтда томошабинлар учун "Туташ тақдирлар" кутилмаган воқеа бўлганди... Уни топшириққа биноан махсус ёзганмисиз?

— Йўқ, аслида, унинг сценарийсини қарор чиқишидан олдин ёзишни бошлаганман, анча қисмлари тайёр эди. Шунинг учун тезда монтажини бошлаб юборганмиз. Маълум қисми тайёр бўлиб, кўрикдан ўтказилгандан кейиноқ, эфирда намойиш этилаётган турк сериали шартта тўхтатилиб, ҳали охиригача ишлаб тугатилмаган сериалимиз ҳатто анонс ҳам берилмай, намойиш этила бошланди. Ҳеч қанча муддат ўтмай, томошабин шу сериалга "қадалиб қолди".

— Томошабинни ўзига жалб этган жиҳатлар нималар эди, деб ўйлайсиз?

— Балки, қиёфалар, воқеалар, ҳаёт тарзию муаммоларгача ўзбекона бўлгани учундир. Аслида, бу сериалдан ўзимнинг кўнглим тўлмасди. Чунки азалдан қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликка қуриладиган асарларни унча ёқтирмайман. Ўша пайтгача таниқли ёзувчиларнинг асарлари асосида ишлаганман. Биринчи марта мустақил сценарий ёзганим учун, ҳеч кўнглим тўлмасди. Лекин айтишларича, сериал бошланадиган пайтда ҳамма уйига кириб кетарди. Томошабинлар тинмай телефон қилишар, воқеаларнинг давомини сўрашарди. Шундай қилиб, телефильмда сериаллар яратиш йўли очилди.

— Ундан кейин "Опа-сингиллар"ни ишладингиз. Шу сериални эфирда ҳатто шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф кузатиб борган эканлар.

— Шундай бўлган экан. "Туташ тақдир"ларниям, "Опа-сингиллар"ниям айрим раҳбарларнинг хоҳиши, кўрсатмаси билан ҳаммуаллифликда ёздик. "Опа-сингиллар"даги қайнота образи анча пассивлиги кўриниб турарди. Ҳаммуаллиф шу отани Россияга ишга кетгандай қилиб, марказий воқеликдан йироқлаштириш фикрини берганди, вазиятдан бунақа осонгина чиқиб кетиш таклифи менга ёқмади. Ўйлаб кўрдим-да, ҳатто "Ўткан кунлар"даги Юсуфбек ҳожидек инсонлар ўзбек оиламларга ҳар доим ҳам сўзини ўтказа олмаганлиги бир йўналиш берди. Она образи гарчи сўзамол, айтганини қилдирадиган, гапини доим ўтказишга ўрганган бўлса-да, унинг эри мулоҳазали, ибратли инсон бўлиши мумкин, деб ўйладим. Китобларни ўқиб ўргандим. Отанинг табиати, хатти-ҳаракатлари, гапларига ҳадислар ҳикматларини сингдиришга ҳаракат қилдим. Бу борада маслаҳатлар олдим. Қаранг, раҳматли шайх ҳазратлари ҳам ўша сериални кўрар эканлар, айнан мана шу жиҳат эътиборларини тортган.

Бир куни кўп қаватли уйимиздан кўчага чиқсам, қўшни эркак ёнимга югуриб келиб, табриклай бошлади. Ҳайрон бўлдим. Шунда қўшним кечагина жума намозида шайх ҳазратлари "Мана шу сериал режиссёри аёл киши экан. У Қуръон оятлари, ҳадислар ҳикматини қаҳрамоннинг табиатига, гап-сўзларига сингдирган. Келинглар, шу аёлни бир дуо қилайлик", — деб жамоатда дуо қилишибди... Сериалларга муаллифлик, режиссёрлик, актёрлару раҳбарлар билан боғлиқ турли воқеаларни бошдан кечирдим. Баъзан пишириб қўйган ошингниям шартта тортиб оладиганлар бўларкан. Кўп вазиятларда мен учун ҳаётимдаги энг катта мукофот — ўша дуони эсладим, эслайман, кўнглим осмондек кўтарилади.

— Миллий сериалларимиздан томошабиннинг норозилиги, нима сабабдан миллийлигимизга мос келмайди, деган фикрлар қачондан бошланди?

— Бундай муносабат, асосан, нодавлат каналлардан намойиш этилган сериалларга нисбатан бошланган. Сабаби — сериал воқеалари хоҳлаган пайтда хоҳлаган йўналишга ўзгартириб юборилган; ундаги айрим йўналишлар тўсатдан тўхтаб қолган, айрим қаҳрамонлар ижрочиси бирдан йўқолиб, ўша ролни бошқа актёр давом эттирган, сериал охирига етмай тўхтатилган... Бунинг сабаблари иқтисодий имкониятлар билан боғлиқ бўлган, деб ўйлайман. Чунки нодавлат каналларда сериаллар муаллифи ёки актёрлар ижроси учун қалам ҳақи тўлаш имкониятлари чекланган учун муаллиф сценарийни тугал ёзиб бермаган, шунингдек, актёрлар ҳам гонорар қониқарсизлиги учун роль ижросини якунига етказмай ташлаб кетган ҳоллари кўп бўлган.

— "Арзоннинг шўрваси" дегандек, айни ўша пайтда нодавлат телеканалларнинг сериалларига иқтидори ўртамиёна ёки ундан ҳам паст бўлган сценаристлар, актёрларни жалб этиш оқибатида "қозонга тушган масаллиққа ярашна таом чиққанми", дейман?..

— "Миллий" телеканалида ишга туширилган "Бу – ҳаёт" сериалимизнинг бош қаҳрамони кўзи ожиз йигит эди. У сценарийни ёзгунча кўзи ожизларнинг ҳаёти билан яқиндан танишдим, жуда кўп суҳбатлашдим, айни шундай инсоннинг ҳаётини бош сюжет қилиб олдим. Асосий қаҳрамон ролини ижро этадиган актёр ҳам худди мендек кўзи ожизлар ҳаёти, қизиқишлари, ички олами билан яқиндан танишди, уларнинг ичида яшади. Эфирга узатила бошлангач, сериал рейтингда турк сериалларидан ҳам ўзиб, нодавлат телеканаллар орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Тайёр қисмлар эфирга узатилиши баробарида кейингиларини тасвирга олиб, монтаж қилиб, пешма-пеш эфирга узатардик.

Сериал воқеаларининг ўзгариб кетишига продюсерлар савияси билан боғлиқ талаблар ҳам сабаб бўларкан. "Бу – ҳаёт" сериалининг асосий қаҳрамонларидан бири ролини иқтидорли актёр яхши ижро этаётганди, томошабинга манзур бўлаётганди. Лекин уни қалам ҳақи қониқтирмади. Шунда продюсер айни шу қаҳрамонни қисқартиришни, сериал воқеаларидан чиқариб юбориш учун уни ҳалок этиш воқеасини киритишни таклиф қилди. Бу осонгина, ўз-ўзидан бўладиган ечим эмас-ку. "Менинг ўзимни қисқартира қолинглар", — дедиму кетдим. Мен бу видеоасарда жуда кўпчилик кўзи очиқлар кўра олмаган ҳаёт сиру синоатларини кўзи ожизлар қалби, сезгирлиги, ҳушёрлиги билан кўра олишини; яхши мақсадни олдига қўйиб астойдил интилса, кўзи ожиз, аммо қалб кўзлари нурли инсонлар ўзигаям, жамиятгаям кўзи очиқ "басир"лардан кўра кўпроқ нафи тегишини кўрсатмоқчи эдим. Ижодий гуруҳдан кетганимдан кейин ишни бошқа муаллиф давом эттирди, сериал кўзи ожизнинг кўзи очилиб кетиши билан якунланди.

— Сериаллар воқеаси қанчалар ҳаётий бўлса, у мухлисларга ёқади-да.

— Буни кўпчилик яхши билади. Аммо кейинги пайтларда сериаллар воқеалари майда-чуйда, енгил-елпи бўлиб кетди. Кеча бир сериалда фарзанд йигит ота-онасига қўл кўтарди. Ҳаётда шундай воқеалар ҳам бордир, балки. Аммо бундайлар бош қаҳрамон бўладиган эмас-да.

Мана, сиз одамларнинг айрим сериаллардан норозилиги ҳақида гапиряпсиз. Мен кузатишларимдан бошқа ҳолатниям англадим: енгил-елпи, шов-шувли сериалларни томоша қилаётганларнинг жуда кўпчилиги бу ҳолатдан норози ҳам эмас. Қаранг, юқорида айтганим "Бу – ҳаёт" сериали рейтингда биринчи ўринга чиқиб кетган бўлса-да, анонс тайёрлаш пайтида менга: "Анонс қиладиган, яъни бақир-чақир, уруш-тўполон жойи йўқ, одамлар кўрмай қўяди", — дейишарди.

Кейинги йилларда томошабин, асосан, нодавлат телеканаллардан узатилаётган сериалларни кўраётганини билдим, уларга: "Давлат каналларида ҳам яхши сериаллар намойиш этиляпти. Нима учун уларни кўрмайсизлар?" — десам, "Улар қизиқмас-да" деган жавоб кўп бўлди. "Уруш-жанжал, ахлоқсизлик яхши эмас-ку" деган фикримга: "Энди, у қизиқ-да. Охири нима бўларкин, деб кўраверамиз", — дейишади.

— "Қарс — икки қўлдан" дейилган. Демак, кейинги ўн йилликларда (бир томондан) оилаларда, мактабларда, жамиятда қадриятларимизнинг асосий мақсади бўлган чиройли фазилатларга муҳаббат, уларни ўзлаштиришга иштиёқ, ҳаётга жиддий муносабатни тарбиялашдан кўра ахлоқсизликка ўчлик, олди-қочди, уруш-жанжалларга ишқибозликни кўпроқ шакллантириб қўйибмиз-да! Иккинчи томондан, шу ишқибозликни янада кучайтирадиган, уятсизлигу ориятсизлик, иллат бўлган хислатларни қўллаб-қувватлайдиган сериаллар "кўргазмали восита" сифатида деярли ҳамма хонадонлар тўрида турадиган телеэкранлар орқали кечасию кундузи намойиш этилди-да!

— Ачинарлиси, ибрат бўладиган эмас, миллий менталитетга тескари ҳолатлар тўла сериаллар кўпайиб, айни шу борада бир-биридан ўтиб бормоқда. Ахлоқсизлик саҳналари тобора тубанлашяпти. Илгари қайнота келиннинг ётоқхонаси олдига келиб қараб қўйган ёки нимадир деган бўлса, энди ётоқнинг ичига кириб, келин билан ёнма-ён ва ундан баттар ҳолатда воқеалар содир бўлмоқда. Кўп масалалар ётоқхонада ҳал бўлади.

Бизнинг менталитетимизга тўғри келмайди, деб чет эл сериаллари эфирлардан олиб ташланди. Турк сериаллари қадриятларимизга мос эмас, деб кўп танқид қилинди. Аммо ўзимизнинг кўплаб сериалларимиздаги андишасизлик, беҳаёлик турк сериалларидан ҳам ортиб кетди.

Бизнинг киноижодкорларимиз турк сериалларидан "оммавий маданият" кўринишларини эмас, драматургияни, сўзлар ва диалоглар устида пухта ишлашни, воқеаларни бир-бирига ишончли ва табиий боғлашни, образларнинг пухта ижроси орқали мақсадни очиб беришни ўргансалар, миллион-миллион маблағу миллионлаб одамларнинг бебаҳо вақти бекорга увол бўлмасди.

— Шундай ролларни олий маълумотли, элга таниқли актёрларимиз ҳам ижро этишяпти-ку?!

— Бу ҳам жуда оғриқли масала. Талабчан, бадиий асар мақсаду моҳиятини тушунадиган, ўзини ҳурматлайдиган актёрлар саёз, олди-қочди сериалларда рол ўйнашни истамайдилар-у, аммо ҳамма каналларни шундай сериаллар босиб кетган бўлса, нима қилсин? У рад этган ролни бошқа ҳамкасби ўйнайди, "сен бўлмасанг, бошқаси" дегандек. Яшаши керак, оиласи, бола-чақаси бор, касбини ташлаб кетолмайди...

Бир мисол: Меҳриддин Раҳматовни жуда ҳурмат қиламан. Иқтидорли, билимли, драматик актёр. Шу актёр яқинда ўша ўғлидан калтак еган ота ролини ўйнаяпти-ю, менинг хаёлимдан: "Руҳан бақувват, кучли драматик образларни ижро этиш имкониятлари бўлган бу иқтидорли санъаткор ўғлигаям гапини ўтказа олмайдиган ночор ота ролини ўйнаяпти-да" деган фикр ўтди. Биринчидан, бу образга ёши ҳам тўғри келмаган. Анча вақт сериалларда роль ўйнамаганди, қарасаки, ишсиз қоляпти, томошабиннинг эсидан чиқаяпти...

Биз оила ҳақидаги видеофильмларга бир-бирига ўхшаш қиёфали актёрларни танлардик. Ҳозир сериаллардаги отаю бола, эру хотинлар кўриниши тугул ёш жиҳатидан ҳам мутаносиб эмас. Ҳатто ўзидан ўттиз, қирқ ёш кичкина бўлган йигитларни "ўғлим" деб юриб, кейин "севиб қолиб", бу муҳаббати учун курашадиганлар образлари яратиляпти.

Актёрнинг роль ижроси олдига қўйилган талаблар бузилиб кетяпти. Ёдингизда бўлса, чет эллик актёрлар ҳам турли сериалларда қатнашарди. Лекин, айтайлик, актёр битта сериалда сочлари узун бўлса, бошқасида калбош чиқарди. Унинг нафақат ички дунёси, ташқи қиёфаси ҳам ўзга олам бўларди. Бизда эса... ҳозирги кунда актёрлар сумкасини кўтариб фильмларни тасвирга олишда иштирок этиш учун боради-да, битта ролни ижро этиб бўлгач, иккинчисига чопади. Кийимини алмаштиришга зўрға улгуради. Шундай бўлгач, ўйнаётган ролидаги образларни тушунишга, ҳис қилишга қаердан вақти, имкони бўлсин? Уларга сценарий ҳам берилмайди, йўл-йўлакай "Сиз ёмон хотинсиз, шаллақисиз", "Уятчансиз..." ва ҳоказо дейилади, бўлди. Бир актриса бир сериалда яхши қайнона бўлса, бошқасида шаллақи, тирноқ остидан кир қидирадиган юзиқора. Лекин иккала сериалда ҳам ўша соч турмаги, ўша кийимлар, ўша макияж... Униям қўяверинг, бир сериалдаги она йигирма ёшида қандай бўлса, ўғли балоғатга етганда ҳам қиёфаси, ҳатто кийимлариям ўзгармаганига нима дейсиз?

— Ҳақиқатан шундайми, ҳам кулгинг, ҳам йиғлагинг келади...

— Қайси соҳа, қайси касб эгаси ҳақида асар яратиладиган бўлса, ўша соҳани яхшилаб ўрганиб ёзиш, қаҳрамонларни шу ишнинг одами қилиб чиқариш керак. Ҳозирги аксарият сериаллар қаҳрамонларининг касби йўқ. Ўқимайди ҳам. Асосан, "деди-деди", бир-бирининг айбини излаш, кимгадир чоҳ қазиш билан овора...

— Кино асарларда, сериалларда ҳам қаҳрамонлар қиёфаси табиий, ўша миллатнинг ташқи ва ички дунёсини мужассамлаштирган бўлишининг аҳамияти катта. "Жаннат оналар оёғи остида" фильмида ҳақиқий қирғиз онаси тимсоли яратилгандек. Агар бизда ҳам шу типдаги она образини гавдалантириш керак бўлса, уни қайси актрисалар ижро этиши мумкин?

— Мен бир видеофильмда эри вафот этган, биттагина қизи ҳам ўлиб қолиб, невараси янгидан уйланиш ташвишида юрган ота қўлида қолган она ролига актриса топишга жуда қийналдим. Ҳаётда тақдири шунга ўхшаш аёллар қошини татуаж қилдириб, лабини дўрдайтириб, узун тирноқ улаб юрмайди-да.

Мардикорлар ҳақидаги сериалда бировнинг уйини тозалашга борган мардикор аёлнинг узун тирноқлари бўялган, унинг ичига гуллар нақшланган. Бунақа тирноқ жуда қиммат туришини ёшлар, аёллар яхши билишади. Сериалларда камбағал қаҳрамоннинг ҳам, бой қаҳрамоннинг ҳам ҳаёти бир хил — қимматбаҳо дивану столстуллар билан жиҳозланган уйларда кечаверади.

Аччиғу оғир бўлса ҳам эътироф этмасак бўлмайди: миллионлаб томошабинлар телеканаллардаги барча сериаллардан бохабар бўлиш учун каналдан каналга тинмай сакраб, сериаллардаги қўл жангию даҳанаки жангларга, ақл бовар қилмас юзсизлик, ахлоқсизликлар, оқибатсизликлар, шафқатсизликларга ҳайрону лол бўлиб, воқеалар ишончлими ёки ёлғонлигини ўйлашмаяпти. Нимандир бир нарсани томоша қилиб ўтиришса бўлди, мана шундай кайфиятдагилар кўпайиб боряпти... "Ижодкорлар бу сериал орқали нималарни ибрат қилиб кўрсатмоқчи?" деган саволни хаёлга ҳам келтирмай, умри ва имкониятларини уволу исроф қилиб ўтказаётганлар, ўзлари билиб-билмаган ҳолда "оқ"дан кўра "қора" хислатларни юқтириб олаётганлар, афсуски, оз эмас...

— Замирахон, бугунги кунда гарчи нафақада бўлсангиз ҳам, одамлар эътиборига ҳавола этилаётган оддий лавҳадан тортиб, сериалларгача бефарқ эмассиз. Ҳамон телеканаллар, ёш режиссёрлар маслаҳат сўрашади, улар билан ижодий ҳамкорсиз. Саломат бўлинг, сиз каби тажрибали устозлардан ўрганувчилар кўпайишини истаймиз. Суҳбатимизни ҳозирча шу ерда тўхтатсак-да, *"...теле- ва радиоканаллар ҳамда ижтимоий тармоқлар учун тайёрланаётган медиамаҳсулотлар, хусусан, сериал, мультфильм, кино ва қўшиқларни "маънавий экспертиза"дан ўтказиш тартиби жорий" этилишини "Маънавият ниқоби остида цензура ўрнатилмоқда",* ***— деб айюҳаннос билан кутиб олганларга савол берсак: сиз қалбларни қорайтириб, букчайтириб, юзлардану диллардан инсоний фазилатлар пардасини юлиб олиши мумкин бўлган; миллатнинг қизу аёлларига бешармлик ва эркакларига орият сизлик, бекорчиликдан бемаъничилик кўчаларини очаётган мана шундай сериаллар кўпайишини истайсизми? Мулоҳазали, эътиборли, фаросатли юртдошларимиз бугунги сериалларнинг жуда кўпида кузатган юқоридаги каби ҳолатлардан сиз бехабармисиз? Ёки бизнинг фикрларимизни ортиқча ваҳима, лоф деб ўйлаяпсизми? Унда каттаю кичик ўғил-қизларингиз, ота-оналарингиз, аёлингиз, опа-сингилларингиз, келинларингиз билан битта хонада жам бўлиб, битта экрандан "муҳаббат эркинлиги, бир марта бериладиган ҳаётда яйраб яшаб қолиш ҳуқуқи" тараннум этилган битта сериални охиригача томоша қилиб кўринг-чи!***

Муҳтарама УЛУҒОВА
суҳбатлашди.

ТАРҒИБОТ

ЁНҒИН ХАВФИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ



Табиат олтин кузнинг гўзал манзараси оғушида... Йилнинг ушбу палласида юртимизнинг аксарият ҳудудларида ҳароратнинг кескин совиши кузатилади ва иситиш тармоқларидан фойдаланиш зарурати кучаяди. Таассуфки, ушбу мавсумда турли сабабларга кўра ёнғин хавфини юзага келтирувчи ҳолатлар ҳам кўпая бошлайди.

Бир неча йиллардан бери ҳар йили айнан қиш мавсуми арафасида мамлакатимизда ёнғинлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.

Белгиланган тартибга кўра, жорий йилнинг 15 ноябрь — 15 декабрь кунлари республика ҳудудида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"ни ўтказиш белгиланган.

"Туркистон" санъат саройида ҳам мазкур ойлик доирасида турли тадбирлар ўтказилиб, ёнғин хавфсизлигига риоя қилишга доир тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундай тадбирларни ўтказиш жараёнида биринчи галда аҳолининг ёнғин хавфсизлиги масалаларида билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда уларда шахсий хавфсизлик маданиятини шакллантириш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш асосий мақсад қилиб олинган.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ва аҳоли орасида тушунтириш ишларини ташкиллаштиришга Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг куч ва воситалари, бошқа вазирлик ва идоралар ҳамда кенг жамоатчилик сафарбар этилади.

Ишчи гуруҳлар томонидан барча туркумдаги объектларда, айниқса, кўп квартирали уйлар ва якка тартибдаги уй-жойлар, бозор, йирик савдо мажмуалари ва аҳоли кўп тўпланадиган бошқа объектларда кенг қамровли профилактик-огоҳлантирув тадбирлари кучайтирилади.

Маҳаллаларда "хонадонбай" тартибида ўтказилаётган профилактик тадбирларда аҳоли ўртасида ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ёки ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ва тарғибот ишлари янада жадаллаштирилади.

Мактабгача таълим ва барча турдаги таълим ташкилотларида катта гуруҳ тарбияланувчилари, ўқувчи ва талабалар билан ёнғинлар, ис газидан заҳарланиш ва ҳаво-газ аралашмаси чақнашининг аянчли оқибатлари, ушбу фожиалардан сақланиш чораларини ўргатиш мақсадида мақсадли мусобақа ва викториналар, машғулотлар ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Шунингдек, фуқаролардан хонадондаги электр, газ ва иссиқлик таъминоти қурилмаларини доимий назорат қилиб бориши ва улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш, хонани иситишда газ плитасидан фойдаланмаслик, ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик ва уларга газ жиҳозларидан фойдаланишга рухсат бермаслик сўралади.

И.ХАЛИЛОВ,
"Туркистон" санъат саройи
ЁХТТЭБ бошлиғи, подполковник.

АДАБИЙ ТАҲЛИЛ

БИРГИНА СЎЗ ТАЛҚИНИ



Алишер Навоийнинг “Хазойинул маоний” куллиёти (“Ғаройибус сиғар”, “Наводируш шабоб”, “Бадоеъул васат” ҳамда “Фавойидул кибар” девонлари)да “йигит” деган сўз юзга яқин ғазалда учрайди, уларнинг ўнга яқинида эса бу калима радиф бўлиб келган – ҳар байтда такрорланади. Демак, Навоий ғазалларида “йигит” сўзи икки юз мартага яқин қўлланган. Бу сўз девонлар дебочасида, қитъа, мухаммас ва соқийномаларда ҳам мавжуд.

Шоир ғазалларидаги “йигит” сўзи талқинида адабиётшунослар ва умуман аҳли таъб орасида бирмунча ғалати муносабат ҳукм суради. Баъзилар айни мавзуни четлаб ўтишга ҳаракат қилади, уни тақиқланган, табу қўйилган масала деб билади, ўзинигина эмас, ўзгаларни ҳам “эҳтиёт қилиш” учун интилади. Шундай қарашлар оқибати бўлса керак, ҳозирги кунда шоирнинг

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға,
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулузоримға

деб бошланадиган ғазалига басталанган ашула матни алмаштирилиб... хоразмлик шоир Сафо Очилнинг “раво денглар” деган жўн бир шеъри ўша куйга солиб, қўшиқ қилиб айтиляпти. Ҳолбуки, Навоийнинг бу ғазалини тўғри талқин этадиган бўлсак, боягидай ноўрин қарашга мутлақо ўрин қолмайди. Мана, ғазалдаги айримларни тараддудга солган ўша “қалтис” байт:

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас
Йигитлик бирла ошиқшевалиқ ўз ихтиёримға.

Тушунмаган одам шоир йигитларга бўлган ишқини айтаяпти, деб ўйлаб, “цензура” талабларини қўйишга бошлайди. Аслида эса...

“Йигитлар ишқи”, ҳатто грамматик жиҳатдан олиб қарасак ҳам, йигитларнинг ишқи деганидир, яъни йигит кишига хос аёлга бўлган ишқ-муҳаббат деб тушуниш керак, йигитларга бўлган ишқ, деб эмас.

Тасаввуфда, заминий муҳаббат сўфий ошиқни йўлдан оздиради, деб уқтирилади. Бу ўринда хослар ишқи (сўфийлар ишқи)га оддий “йигитлар ишқи” қарама-қарши қўйиляпти. Шоир йигитлар каби ишқни ихтиёр этмайин десам-да, йигитлигим (йигит ёшида эканлигим) ва феълимдаги ошиқшевалигим (муҳаббатпарастлигим) мени ўз ихтиёримга қўймайди, деб нолиётир. Йигитлик ва йигитлик давридаги ишқ — ўткинчи нарса, ошиқшевалик эса жибиллий хислат, у туғма бўлади ва бир умр кишининг тийнатида қолади. Чунончи, “Ўткан кунлар” романи қаҳрамони Отабек гўзал Кумушни кўриб севиб қолиши — йигитликка хос, аммо унинг хизматкори Ҳасанали хожасининг ошиқшева ҳам эканини “Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган нозик юрак жавҳаридир”, деган бир калима билан ифшо қилган. Яъни, Отабек кабиларнинг ишқи йигитлик айёми ўтгач тамом бўлмайди, бир умр юрагида қолади. У асл ёр — Яратган зотга, ҳаётга, одамларга, эзгуликка... муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам бу ғазални Алишер Навоийнинг пок тийнатига асло тўғри келмайдиган бир гумонга суяниб талқин этиш, алалоқибат, йўққа чиқариш мутлақо ножўя. Навоий этагини бу дунёнинг алдоқчи лаззатларидан батамом узгани, покдомон бўлиб, риндона ҳаёт кечиргани, ўта нозиктаъб бўлганини, ўз ички дунёсига бировларнинг аралашишига йўл қўймаганини яхши биламиз.

Тўғри, ўтмишда бутун дунёда, жумладан, Шарқ оламида ҳам, турли сабабларга кўра, ахлоқий айниш оммавий тус олган ҳоллар бўлган. Ва бу ижтимоий ҳодиса сўз санъатига кўчган жойлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, такяхоналарда, ўзгалар кўзидан четда уюштирилган базмларда ана шундай “ишқ” тараннум этилган қўшиқлар ҳам ижро қилинган. XIX аср охирларида ижод қилган айрим шоирларнинг манзумаларида сўфиёна руҳ барҳам топиб, унинг ўрнига “мен асраганда сен ёшгина эрдинг” дегандай мотивлар учраб қолади. Ёдингизда бўлса, Мирзакарим қутидорнинг ҳовлисидаги меҳмондорчилик оёқлаганда хонадон соҳибаси Офтоб ойим оқсоч аёл Тўйбекадан меҳмон йигит (Отабек)нинг келишган, кўркам эканини эшитгач, “Бирон бачча-маччадир-да”, дея унча эътибор қилмайди (“Ўткан кунлар”). Демак, ўша давр жамияти учун бу фавқулодда бир ҳол бўлмаган. Шунингдек, биз бугун дунёнинг офати деб биладиган наркотиклик — наша ва кўкнор чекиш эса бир пиёла чой ичишдай жўн бир ҳол эди, барча жамоат жойларида чилим хўрандаларнинг хизматига шай турган. Кўчаю бозорларда эса одамларга чилим чектириб, шундан пул топадиган “пояки” деган одамлар тирикчилик қилишган. Ва ҳоказо.

Бироқ маданият юксалган, ахлоқий поклик жамиятнинг идеалига айланган XV аср шароитида шаҳвониятни очиқ куйлаш тасаввурга ҳам сиғмас эди. Ҳазрат Навоийнинг ўшандай талқинларга йўл берадиган нарса ёзиши мумкинлигини эса, айниқса.

Унда, Навоий сарвиноз қизларнигина эмас, келишган йигитларни ҳам мадҳ этиб, уларнинг гўзаллигини куйлаганлигини қандай тушуниш керак, деган бир савол юзага чиқиши табиий. Чунончи:

Англамонким ҳурму эркин, ё малакму ё парий,
Ким башар жинсида андоқ кўрмадук ҳосил йигит.

Янаям ажабланарлиси шуки, “Хазойинул маоний” куллиётида, боя айтганимиздай, “йигит” сўзи бирон икки юз бора келса, унинг муқобили бўлган “қиз” калимаси ниҳоятда оз — ўн мартага ё етади, ё йўқ. Унинг ҳам асосий қисми “раз қизи” — узумдан қилинган қизил шароб, фақат айрим ўринлардагина қиз фарзанд (масалан, Расулуллоҳ қизи Фотима) деган маънода қўлланган. Бўй етган аёл деган маъно эса “дилбар”, “жоно”, “ёр” сингари кўплаб калималар билан ифодаланган.

Нега шундай?

Гап шундаки, туркий тиллар динамик хоссага эга — тез ўзгаради. Сўз устига сўз пайдо бўлади, бири иккинчиси билан алмашиб туради, аксар сўзларнинг маънолари янгилана боради ва ўзгариб ҳам кетади. Бизнинг мисолга қайтсак, Навоий замонида “йигит” сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги ёш эркак (ва унга алоқадор маънолар)нигина эмас, аввало, камолга етган инсонни билдирган. Ушбу сўзнинг этимологияси ҳам буни тасдиқлайди: “йигит” — “етук” (етик — етилган) деган маънони билдирган. Иккинчи бўғин диссимиляцияланиб, “йэт+ик” — “йи+гит” шаклини олган.

Йигит сўзи ҳамма маъноси билан тожик тилидаги “жавон”га уйқаш. Жавон — аввало, ёш йигитдир. Аммо ўзбек ва бошқа туркий тилларда бу икки сўз кейинчалик ўзаро тафриққа учраб, “йигит” — ёш эркакни, “жавон” (жувон) эса ёш аёлни англатадиган бўлиб қолди. Демак, Навоий замонида йигит — вояга етган, баркамол инсон деган маънода қўлланган. Бу — бир.

Иккинчидан, шоир “йигит”га муҳаббатини изҳор этаркан, унинг ҳадафи, кўзда тутилган асл ёр — Яратган зот эканини ёдга олсак, бируборни аёл жинсига мансуб қилиб тасвирлашни талаб этиш ноўрин экани аёнлашади. Қуръон оятлари (“Ихлос” сураси) бунинг далилидир; уни ҳамма билади.

Ва ниҳоят, учинчидан, аҳли таъбга мафҳум, аммо авомга эса мавҳум бўлиб келаётган бир гап. Нима учун шоирлар ёрни, асосан, қиз сифатида, ўн саккиз ёшли сарвиноз қиёфасида тасвирлайдилар, деган саволга жавобан айтиш керакки, аҳли шеър азалдан асосан эркаклар бўлган, улар Оллоҳ яратган мавжудотларнинг энг мукаммали инсон, инсонлар орасида энг кўркам ва жозибадори эса бўй етган гўзал қиздир, деган тушунчадан келиб чиқиб, ишқ изҳори бўлган шеърларида ёрни ана шундай беқиёс гўзал қиз қиёфасида тасвир этишган. Эр киши учун энг гўзал хилқат — жозибали аёлдир. Бу қараш умумийлик хоссасига эга.

Бироқ мутафаккир зотлар махлуқотнинг гултожи бўлган инсонларнинг энг мукаммал (қадди-қомати мутаносиб ва бежирим) вакили — эр киши эканини уқтирадилар. Навоийнинг змондоши Леонардо да Винчи (1452-1519) ҳам “Витрувиан одами” расмида буни тасвирлаган. Навоий ҳам, да Винчи ҳам замонасидан анча илгарилаб кетган ва ўз юксак мақомида туриб, авомнинг содда маломатидан ҳадиксирамайдиган шахслар бўлишган.

Навоий айтади:

Не ажаб хам қад била сарғарса рухсоримки, бор
Дилбарим бир қомати раъно, юзи гулгун йигит.

Бу ўриндаги “йигит” сўзи замирида сўфийнинг ёри турганини қайта бошдан далиллаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки ошиқ — фоний одам. У, албатта, қарийди, бироқ ёр ҳамиша “қомати раъно, юзи гулгун”. Ёр мудом сарвқомат, чеҳраси доим порлоқ.

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Гул тўкулмиш суға, бормиш сарв ўзидин гўйиё,
Чеҳра очмиш боғ аро сарви хиромоним менинг.

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир туган,
Лолаедур гўйиё ҳар доғ ила қоним менинг.

Тилга олмиш телба кўнглумни яна хайли рақиб,
Қолмиш итлар оғзида мажнуни урёним менинг.

Мен анга ҳайрону эл минг захм урса бехабар,
Бехабар захм урғучилар доғи ҳайроним менинг.

Халқдин пинҳон мени маст айла шояд, эй рафиқ,
Сокин ўлғай шаммае бу дарди пинҳоним менинг.

Эй Навоий, бўлмаса бир пири комил ҳиммати,
Ул йигит бедодидин йўқ махлас имконим менинг.

Бироқ афсуски, Навоийнинг сўзларига бугун авомнинг тиши ўтиши мушкул, у кўзда тутган маъноларни англаш ҳар кимга насиб этавермайди. Оқибатда, улуғ шоир нима деяётганини англамай турибоқ, баъзилар ўзича хулоса чиқариб қўяди. Бу жўяли иш эмас. “Йигит”, “йигитлар ишқи” каби ифодаларнинг тагига етмасдан, бир ўқибоқ обивателларча талқин этиш ярамайди. Навоий-ку, бу орқали ўз юксак мақомидан бир бахя ҳам пастга тушмайди, аммо руҳи озор топиб қолиши турган гап. Дарвоқе, шоирнинг ўзи юқорида дарж этилган ғазалнинг бир байтида бунга ишора қилгандек ҳам:

Мен анга ҳайрону эл минг захм урса бехабар,
Бехабар захм урғучилар доғи ҳайроним менинг.

Яъни, авом менга минг бор озор етказса, бехабарман ва бунга ўзим ҳам ҳайронман, аммо озор бераётганидан ўзлари бехабарлар ҳам мендан ҳайрон...

Шеърият — ўзига хос бир олам. Унинг ўз тили, ўз анг-ламлари бор. Шунинг учун ҳам шеър бошқа, назмбозлик бошқа. Шавкат Раҳмоннинг бир мисрасини эсланг-а:

Борми эр йигитлар, борми эр қизлар?

“Эр қиз” — Шавкат Раҳмоннинг беқиёс топилдиғи, “ёмонам яхши” деган каби, маънони акс йўлда кучайтириш усули. Энди, буни ҳам, баъзилар Навоийни талқин этганидай, “эр қиз бўлмайди”, деб чайнаб ўтириш мумкинми?

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ТААССУРОТ

СЎЗ МУСАВВИРИ

Шоира Хосият Рустамова ижодига чизгилар



Шеър — бу кўнгил кечинмаси, ҳайрат, муҳаббатдан туғилган туйғулар тасвири.

Шоирнинг ботини қанчалар пок бўлса, тасаввурлари шаффоф, ҳислари гўзал, шеърлари ҳам яшовчан бўлади.

Таниқли ўзбек шоираси, Ўзбекистон ва Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хосият Рустамова ижодида олам ва одам, замин-у замон, табиатнинг ёркин тасвири, аёл қалбининг нозик хилқатлари мавзулари устунлик қилади.

Франц Кафка ёзганидек: “Кимки гўзалликни кўра билиш қобилиятини сақлай олса, ҳеч қачон қаримайди”.

Гўзаллик, аслида, нисбий тушунча. Аммо шундай гўзаллик борки, у ҳеч қачон ўзгармайди. Бу қалб гўзаллигидир.

Хосият Рустамова ҳам ана шундай гўзал қалбли шоира.

У табиатни, инсонларни севади. Шеърларининг мазмун-моҳияти бош мавзуси ҳам табиатдир. Қушлар, дарахтлар орқали инсонларни ва табиат ўртасидаги ҳолатларни тасвирлайди. Қалбни нима гўзаллаштиради?

Албатта, эзгулик, яхши амаллар, биринчи навбатда муҳаббат, Яратганнинг гўзал яратиқларини севиш орқали қалб янада гўзаллашади.

Ишон, Сени хафа қилмайман бошқа,
Кеч бўлса ҳам чиқдим. Қоп-қора адир.
Бир осмон юлдузни кўтариб бошга —
Сенинг йўлларингда турибман ахир.

Ушбу сатрларда табиатнинг тароватини сўзларда жаранглатиб, аёл қалбининг нозик кечинмаларини ёркин рангларда тасвирлайди шоир.

Бу ҳолат, бу жараён, бундай кечинма фақатгина муҳаббатга мубтало бўлганларгагина таниш...

Сўзнинг сеҳри, асл шоирнинг маҳорати, поэтика мўъжизаси, фикр қудрати Хосият Рустамова ижодида яққол намоён бўлади.

Баҳор келиши биланоқ осмоннинг чеҳраси очилиб, қуёшнинг юзида табассум порлаб, бутун борлиқда ҳаёт ҳарорати сезилади.

Ушбу шеър орқали кўз ўнгимизда баҳорнинг дилбар қиёфаси жонланади:

Босар нозик ниҳолларни ғам,
Ёқмас ғарблик қушларнинг хулқи.
Баҳор эшик қоқиши билан
Еру кўкнинг очилар қулфи...

Ижод аҳли мудом эзгу ўйлар, самовий хаёллар оғушида ўзининг сирли оламида яшайди.

Аслида ҳам ҳақиқий шоирлик мана шу...

Мансиз ҳушдан кетар дарахт-у борлиқ,
Шамол кимнинг тутиб ўйнар сочидан.
Мен кетсам — тун ўлиб қолади аниқ,
Мен кетсам — ой ўлиб қолар очидан.

Шамол шоиранинг сочидан тортиб, эркалаб ўйноқлайди, дарахт унинг дарддошига, ой эса сирдошига, тун содиқ дўстига айланади.

Чинакам поэтик манзара, шоирона ўхшатиш.

Инсон зоти борки, мудом муҳаббатга муҳтож, унинг асири.

Дунёни ушлаб турган ягона куч ҳам муҳаббат.

Кўзимнинг ёшлари ювиб ғуборни —
Йиғлагим келганди ўшанда ичдан.
Айта оласанми,
Эсингда борми,
Қандай шароб эди мен ичган?
Қанча совуқ сувга юзимни чайдим,
Шунда ҳам кўринар ранглар фақат оқ.
Бошим айланмаса, маст бўлмасайдим —
Бу дунёда қолмасдим узоқ.

“Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи” деганларидек, ҳаёт доим бизни қувончлар билан сийлайвермайди. Инсон бошига синовлар келганида, ўзини яхшироқ англайди. Дунёга нима учун келгани, нима мақсадда яшаётгани хусусида мулоҳаза юритади.

Ҳаёт аталмиш неъматнинг улуғлиги, инсон отлиғ шарафга лойиқ кўрилганлигимиз, бизларга берилган умрни яшаб ўтишимиз ҳақида сўз боради.

“Шоирнинг боши айланиши”, тириклик неъматидан воз кечиб кетолмаслиги ҳам ҳаётга бўлган улкан муҳаббатидан далолатми?

Қайдам. Сўз шоирнинг қисмати дейишади...

Шоирнинг шеърлари ҳаётида ҳам акс этади.

Аллоҳ бу борада Хосият Рустамовага жуда сахийлик қилган.

Мен бормаган жойларга —
Шеърларим борар ҳали.

Шоира асарлари шу пайтгача ўттиздан ортиқ мамлакатларда чоп этилиб, дунё юзини кўрди.

Ҳеч нарсаси йўқ одамларнинг,
Умиди бор эртанги кундан,
деб ёзади шоира бир шеърида.

Ҳар биримиз бу ҳаётда орзулар билан, эзгу хаёлларимиз умиди билан яшаймиз. Фақатгина умиднинг ўзи билан эмас, кўзлаган мақсадга эришиш учун бугундан ҳаракатни бошлаб, муваффақиятлар мевасига умид боғласак, тўғри бўлади.

Ушбу сатрлар шеърхонни чуқур ўйга толдиради, тафаккур қилишга ундайди.

Жонимни ичяпман томчи-томчилаб.
Тўкилиб боряпман хазонлар каби,
Ям-яшил боғларни кўриб тушимда.
Айт, мени кимлардан
Асрадинг, Раббим!
Қаерга кетяпман шу кетишимда?!

Хосият Рустамованинг ижодига назар солар эканман, нафақат катта истеъдодга, балки ҳақиқий улуғ шоирларга хос юксак қалбга эга эканини-да англаш мумкин. Шоира ўзбек шеъриятига самовий нафас берувчи, сўзлар орқали инсон руҳиятининг энг туб жойларига етиб борадиган кучли шеърлар яратган беназир ижодкордир.

Хосият Рустамова шеърлари оддий ҳаётий тафсилотлардан илоҳий ҳисларга қадар кенг қамровли — сўзларнинг сеҳрини кашф этиб, инсон қалбига етиб борадиган ўзига хос хосиятли овозга эга. Унинг ижоди фақат мазмуний теранлиги билан эмас, балки қалбан нафислиги билан ҳам ажралиб туради. Бу шоиранинг ҳар бир сўзида, ҳар бир сатрида юракнинг юксак меҳр ва муҳаббат билан тўлиб-тошиши сезилади.

Одатда, буюк шоирларнинг қалби дарё каби кенг, уммон каби чуқур бўлади. Хосият Рустамова ҳам улкан қалби ва юксак истеъдоди билан ажралиб туради — инсонларга меҳр ила, яқинлари ва мухлисларига чин дилдан эҳтиром-ла яшайди.

Шоира Хосият Рустамова менимча, шеъриятининг яна бир устувор жиҳати — уларнинг ҳар бир мисраси ичида яширинган чуқур фалсафийлик бўлиб, сўзлар орқали инсонни ҳайратда қолдиришни, дунёни янгича нигоҳда кўрсатишни моҳирона уддалашидадир!

Гўзалликка, муҳаббатга талпинаётган Хосият Рустамованинг ижод ва ҳаёт йўллари муҳаббатдек улуғвор бўлсин.

Жаҳонгир НОМОЗОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

ҲАНГОМА

Амриқолик қўшниларим

Ишдан қайтсам, хотиним гап топиб қўйибди: ёнимиздаги ҳовлига янги қўшнилар кўчиб келаётган эмиш. Яна қаердан денг, нақ Амриқодан.

— Қўйсангчи, қаердаги гапларни топасан-а?

— Ишонаверинг, аллақандай уюшмами, жамиятнинг йўлланмаси билан урф-одатларимизни ўргангани келаётган эмишлар.

— Ана, энди қўшнилар билан ҳам таржимон орқали гаплашамизми? Ё имо-ишора билан тиллашармикинмиз?

— Ким билади дейсиз, дадаси, унча-мунча инглизчаниям ўрганиб юрардингиз, шекилли-а?

— Э-э, ҳарбийдан қайтгач, бир қизиқувдим. Коммерцияга илашгандан кейин ҳаммаси қоп кетди.

— Дом культурадаям чет тилини ўргатадиган курс очилган, деб эшитгандим. Мен ҳам қатнаб турганимда бўларкан-а?

— Ке, кўп бошимни қотирма. Бир гап бўлар. Амриқодан келган одамларнинг сен билан валақлашиб ўтиргани вақтиям бўлмайди.

— Ҳар қалай, амриқолик қўшниларимиз савдо ишлари билан Дубайга қатнайдиган тижоратчининг хотини инглиз тилиниям билмас экан, деб кулишмасин, дейманда. Бўлмаса, сизга текканимдан бери телевизорнинг программасидан бошқа нарса ўқиганим йўғ-а.

— Бўладиганидан гаплашайлик. Уй-пуй, ҳовли-повли, кўча-кўйни супуриб-сидириб, уборка қип қўйинглар.

— Бўпти, бўпти. Барибир кўнглим ғаш-да. Улар-ку, хўпу хўп, биз билан дарров гаплашгани вақтлари бўлмас, лекин уларни кўчириб келаётган ўзимизникилар қўшниларимиз бир проверка қип қўяйлик, деб қолишса-чи? “Катта мачитнинг ҳовузи”ни инглизчасига нима дейди, деб қолишса, қандай жавоб бераман? Бўтақорада шоли кўп экилади, “гуруч” инглизчасига нима дейилади, деса-чи? Ўлай агар, ҳеч нарса билмайман. Ўзиям сизга текканимдан кейин жуда отсталий бўп кетдим-да.

— Бўлди энди. Ўзи илгари ҳам оғзинг қани, деса, қулоғингни кўрсатардинг.

Хотинларнинг миш-мишидир-да, бизнинг қишлоқда амриқоликка нима бор, деб ўйлагандим. Йўқ, хотинимнинг гапи чиппа-чин бўлиб чиқди.

Эртасига тушликни уйда қила қолай деб келсам, дарвозамиз олдида юзлари ҳам, сочлари ҳам сап-сариқ, бошига дўппи қўндирган болакай ўғлим билан копток ўйнаяпти. Узун лозим, атлас кўйлак кийган, малла сочлари рўмоли четидан кўриниб турган аёл қўшни дарвоза олдини супурар, ўзига қуйиб қўйгандай ўхшаш ўзбекона кийинган қизчаси елим челакда водопроводдан сув олиб сепаётган экан.

Машинадан тушиб, икки қадам юришим билан кутилмаган ҳол юз берди. Дунёнинг нариги бурчагидан келган аёлнинг она тилимизда назокат ила саломлашувидан сезиларсезилмас энтикиб кетдим. Уйга кириб, суюнчили хабарни айтай десам, хотиним аллақачон янги қўшни билан танишиб олиб, хурсанд бўлиб ўтирган экан.

Икки кун ўтгач, ишхонада телефонга чақиришди. Туманга боғланадиган телефон бошқа хонада бўлганлиги учун “Тинчликмикин?” деб ўйлаб ҳаллослаб чиқсам, гўшакдан хотинимнинг овози эшитилди:

— Алло, дадаси... Ану янги қўшниларимиз сизни “қаерда?” деб сўрашаяпти. Ҳеч тушунтиролмаяпман... “Дежурство”ни ўзбекчасига нима дейди?.. “Навбатчилик”? Ҳа, бўлди. Хайр.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, талаффузидаги жиндай сезилар-сезилмас ғализликни демаса, соф ўзбек тилида гапирадиган назокатли, хушсухан амриқолик аёлни қишлоғимизда деярли ҳамма танийдиган бўлиб кетди. Эри бўлса маҳалланинг тўйидан ҳам, маъракасидан ҳам қолмайди. Бир маросимда офтоба билан чилопчинни олиб, оқсоқолларнинг қўлига сув қуйиб қолса бўладими?..

— Баракалла, ўғлим, — деди оқсоқоллардан бири ҳайрон бўлиброқ қараб. — Танимайроқ турибман, сен қайси маҳалладансан, болам?

— Чикагодан.

— А-а?.. Бизда унақа маҳалла йўқ эди-ю...

Ана шунда янги қўшним келишининг сабаби-ю, дастлабки таассуротларини ўзбекона лутф билан баён қилиб, оқсоқолларнинг ҳам дуосини олди.

Уч-тўрт кундан кейин хотиним яна бир гап топди.

— Тўтихонлар маҳаллага ош бермоқчи эмиш.

— Тўтихонинг ким?

— Анави янги қўшниларимиз-да. Ўзларигаям, болаларигаям аллақачон ўзбекча исм қўйиб олишган. Эри сиз билан маслаҳатлашмоқчи. Детсаддан келаётсам, поворотда турган экан.

— Кимларни таклиф қилганимиз маъқул? — деди. — Ҳар қалай, сиз бу ернинг паст-баландини биласиз...

— Биз, одатда, ҳув анави перекрёсткадан банянинг олдигача айтамиз.

Қўшним ҳеч нарса тушунмади.

— Ҳаммомни денг, — эслатди хотиним.

Дарров гапимни ўнгладим.

— Чорраҳадан ҳаммомгача.

Шундагина гапимни англаган Қоравойнинг юз-кўзида табассум зоҳир бўлди.

— Участкавойниям айтиб қўйинг, — дедим.

— Кимвой, — ҳайрон бўлиб сўради у.

Яна тилимни тишладим.

— Ҳа, анови нозиримизни айтаман-да.

Бунақа ҳоллар тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Ўз юртида соф ўзбек тилини ихлос билан ўрганган қўшниларимиз учун четдан кириб қолган сўзлар гуручдан чиққан тошдек ғашга тегарли таъсир қиларди. Сал ўйлаброқ гаплашмасак, бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳар гал гапимни англатишга қийналганимда, хижолатдан тер босади. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда бундай қоришиқ сўзлар билан гаплашишга кўникиб кетганимизни вақт ўтиши билан тушуниб ҳам қолишди. Лекин жилмайиб туриб беозоргина танбеҳ бериб, гапимни тузатиб қўйганларида, ичдан зил кетаман. Рус мактабида ўқиган, кўп қаватли уйда ўсган хотинимни-ку асти қўяверасиз.

— Қанақа одамлар ўзи, а? “Обед” десанг, тушунмаса. “Домкультура”ни билмаса. “Оптом”и нимаси, деганига ўлайми?.. Нақ давлениям кўтарилиб кетади-да!

— Қўй, қизишма, аяси. Ахир айб ўзимизда-ку. Мен ҳам аввалига шу келиб-келиб хориждан кўчиб келганлардан танбеҳ эшитаманми, деб ғашим келди. Аммо сал ўзимни босиб ўйлаб кўрсам, улар икки юз процент... э, йўғ-э, фоиз ҳақ экан. Тилимизга бўлган ҳурмати боис уларга ихлосим бениҳоя ортиб кетди.

— Тўғри айтасиз, — деди хотиним ҳам сал ҳовуридан тушиб. — Баҳонада унча-мунча нарсани ўрганиб ҳам олаяпман. “Сковородка”нинг ўзбекчаси “това” эканлигини ўйламаган эдим. “Соска”нинг сўрғич, “билет”нинг чипта эканлигиниям энди билдим. Бир жиҳатдан шу қўшниларимизнинг келганиям яхши бўлдими, деб ўйлаб қоляпман, дадаси.

— Нимасини айтасан, аяси, — дедим мен ҳам кулиб. — Амриқолик қўшниларимиз биздан урф-одатларимизни, биз эса улардан ўз она тилимизни ўрганаяпмиз...

Ҳабиб СИДДИҚ

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

ГАП КЎРГАН ОДАМЛАР

Ўтган асрнинг 60-йилларида бир гуруҳ ҳамқишлоқлар Ховос туманининг янги очилган “Фарҳод” хўжалиги 5-бўлимига кўчиб келдик. Ҳаммаёқ бўзалам. Юмронқозиқлар инларидан чиқиб, бизларни кузатади-да, бир зумда кўздан ғойиб бўлади. Янги жойда чодир-чаманимизни ўрната бошладик. Кимдир омонат чайла тиклади, бошқа биров ертўла қазиди. Шу ер бизнинг абадий қўналғамизга айланди. У пайтларда электр чироғи қайда дейсиз? Оқин газ қайда дейсиз? Одамлар шунчаки тирикчилик — тирриқчилик учун курашиб яшашарди. Лекин бир нарса устувор эди: ҳамқишлоқлар ниҳоятда одамохун, аҳил-иноқ, меҳр-оқибатли эди.



Ўшанда эсимда қолган бир воқеа ушбу битикни ёзишимга туртки берди. Кўп куттирмай, қиличини қайраб қиш келди. Ҳамқишлоқлар гап-гаштак ташкил қилишди. Гапдошлар орасида ёши улуғлар ҳам, ўрта ёшлилар ҳам, навқиронлар ҳам бор эди. Ҳар ҳафтада навбати билан гапжўралар уйма-уй кўчиб юришарди. Гап навбати бизникига келганида, бир уй одам йиғилди. Тўрдан жой олган Худойқул амаким Ҳаққулов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) гап-гаштакнинг раиси экан. Биз, болалар хизматда эдик. Обиёвғон тановул қилингач, қизғин суҳбат бошланиб кетди. “Суҳбат у ёқ, бу ёқдан, гоҳ бошдан, гоҳ туёқдан” (Абдулла Орипов сатри) деганларидек, аввал ҳамқишлоқлар баҳорда амалга ошириладиган юмушлар, деҳқончилик ва чорвачиликни йўлга қўйиш ҳақида гаплашишди. Кейин китобхонликка ўтилди. Яссавий бобомизнинг “Ҳикматлар”ини падарим ёқимли овозда ўқидилар. Кексалар ёшларга турли панд-насиҳатлар қилдилар. Гап-гаштак охирида Худойқул амакимнинг айтган бир насиҳати қулоғимга муҳрланиб қолди:

— Оға-иниларим, гап-гаштакни биз фақат овқат ейиш, қорин тўйғазиш учун ташкил қилмаганмиз. Бу ўзига хос тарбия, меҳр-оқибат мактаби ҳамдир. Кўча-кўйда юрганингизда гап-гаштакдан олган яхши хулқ-атворингизни намоён қилинг. Теварак-атрофдагилар: “Булар гап кўрган экан десинлар!”

Дарҳақиқат, ўша пайтлари радио, телевизор деган матоҳлар анқога шафе эди-да. Қиш ўтиб, баҳор эшик қоққач, гапдошлар бир муштга айланиб, ҳашар йўли билан иморатлар тиклашди, тўй-тўйчиқлар қилишди. Гўзал қишлоқ барпо бўлди. Бола кўнглимда ўша пайтдаги гап-гаштак меҳр-оқибат, гўзал хулқ-атвор йўғрилган қадрият сифатида онгу шууримда нақшланиб қолган.

Мақоламизга факт йиғиш асно бир неча китобларни кўздан кечирдик. Гап-гаштак халқимизнинг қадим қадриятларидан бири эканлигига амин бўлдик. Бу маросим мамлакатимизнинг турли гўшаларида турлича номланаркан. Тошкент вилояти ва Фарғона водийсида “гап”, “навбат”, жанубий вилоятларда “гаштак” (“гапи гаштак”), “халфана”, Хоразмда “қатор зиёфат”, “ўтиришма”, “гурунг” номи билан юритилар экан. Бундан ташқари, “гап”нинг ўрталиқда масаллиқ тўплаб тайёрланадиган турлари — “тўкма” ва “халфана” ҳам мавжуд. Бироқ гап-гаштак ҳақида бирорта махсус китоб битилганига гувоҳ бўлмадим. (Бу ҳақда қаранг: 12 жилдлик “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, II жилд, 570-571-бетлар: 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, I жилд, 485-бет).

Албатта, даврлар ўтиши билан бу миллий қадриятимиз мазмунан бойиди, моҳиятан янгиланди. Илгарилари, асосан, қишлоқларда қиш фаслида тенгқурлар гап ўйнаган бўлсалар, бугунги кунга келиб синфдошлар, курсдошлар, маҳалладошлар, касбдошлар ўртасида ушбу удум бутун йил давомида амал қилмоқда. Кейинги пайтларда ҳожилар ўртасида ҳам гап ўйнаш урфга айланиб бормоқда. Ҳатто хотин-қизлар ҳам гап ейишнинг (гендер тенглик деб ўйласалар керак-да) кифтини келтиришмоқда.

“Гап”нинг жуғрофияси кенгайгани сари айрим ибратли жиҳатлари заха емоқда. Яқинда бир ҳожи отанинг “гап”ида бўлдик. Уларнинг “гап”ида битта қўчқор сўйиш мажбурият экан. Тўрт хил оби таом тайёрланди. Пиширик ва мева-чеваларни айтмаса ҳам бўлади. Ҳангомалари ҳам ўзига яраша: қуюқ-суюқ. Ўйланиб қолдим: “гап”нинг харажатларини қисқартириб, ортганини етим-есирларга берилса, савоби чандон ортиқ бўлмайдими?! Ахир маҳаллаларда қозони ҳафталаб гўшт кўрмайдиган оилалар исталганча топилади. Ҳажга борган одамнинг бели бақувват эканлигини биламиз. Отнинг калласидек тўлови бор. Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварадан қайтгач, муборак динимизнинг арконларини астойдил бажариш ҳожиларнинг вазифаси эмасми? Демак, масъул идоралар ҳажга отланаётган кишиларнинг маънавий дунёсини ҳам яхшилаб кўрикдан ўтказсалар, нур устига нур бўларди. Ҳожилар кўпайгани билан жамиятимизда маънавий иқлим соғломлашмаса, не фойда?!

Гап-гаштакнинг обрў-эътиборини улуғлаган воқеаларга ҳам гувоҳмиз. 1998 йилнинг кузида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон Гулистонда бир қўчқорнинг бошини олиб, сирдарёлик шоиру шуароларни чорлаганча гап-гаштак ташкил қилдилар. Навбат тарзда ташкил этилган гап-гаштак адабий гурунг шаклини олди. Ҳар навбатда янги ёзилган асарлар ўқилиб, ўрталиқда муҳокама қилинадиган бўлди. Чиройли ёзилган асарлар китоб ҳолида чоп этишга тавсия қилинди. Тўра аканинг ўзлари, хусусан, Ҳасан Абдувоҳидов, Абдуғани Абдураҳмонов, Бахтиёр Ўтанов каби сирдарёлик шоирларнинг илк китобларига сўзбошилар ёзиб берди. “Тўра Сулаймон гап-гаштагида” Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари, адабиётшунослар, филология фанлари доктори Анқабой Қулжонов, филология фанлари номзоди Умрзоқ Ўлжабоев, фалсафа фанлари номзоди Равшанбек Маҳмудов, машҳур фельетончи Саминжон Султонов, адиблар Ҳамроқул Ризо, Мухтор Носир, Жўра Умарқулов ва бошқалар бор эди. Кези келганда, гап-гаштакка сирдарёлик аёл ижодкорлар ҳам меҳмон сифатида таклиф этиларди.

Гарчанд Тўра ака 2005 йил оламдан ўтган бўлсалар-да, ҳали-ҳамон гап-гаштак давом этмоқда. Халқ шоирининг ворислари, профессор Қозоқбой Йўлдош, шоир ва олимлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари Ҳаёт Шодмон, Илёс Қувондиқов, Турсунбой Раҳмонов каби ижодкорлар “Тўра Сулаймон гап-гаштаги”ни давом эттиришмоқда.

Яхши иш улги бўлар, деганларидек, Тўра аканинг гап-гаштагига таассуб қилиб, биз сирдарёлик журналистлар ҳам шундай удумга қўл урган эдик. Ҳар ойда бир ўтадиган гап-гаштагимизда бир гапдошимиз жаҳон адабиётининг бир дурдона асарини ўқиб, маъруза тайёрлаб келарди. Оби таомдан кейин ўша гапдошимиз ўқиган китобидан олган таассуротлари билан ўртоқлашарди. Бир ой миёнасида биз ҳам ана шу китобни мутолаа қилиб келардик. Қараб турибсизки, қизғин баҳс-мунозара бошланарди. Фикрлар тўқнашарди. Ақлимиз чархланарди. Ана шу тариқа жаҳонга машҳур адиблар Габриэль Гарсиа Маркес, Эрнест Хемингуэй, Рабиндранат Тагор, Нажиб Маҳфуз, таниқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов, ўзимизнинг севимли ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Одил Ёқубовларнинг асарларини ҳижжалаб таҳлил қилганмиз. Айниқса, Радий Фишнинг “Жалолиддин Румий” романи устидаги тортишувларимизда фикрларимиз бир тўхтамга келмай бўлиниб кетганди. Зеро, у пайтлари мавлононинг бирорта асари она тилимизга ўгирилмаган эди-да. Мутаржим Одил Икром таржимасидаги 6 жилдлик “Маънавий маснавий”ни мутолаа қилгач, бул зотнинг руҳий олами чексизлигига иймон келтирдик. Энди шу асар муҳокама қилинса, бутунлай бошқача фикрлар айтган бўлардим.

Халқимиз — ўта донишманд. Оддий маросимларни ҳам фалсафага, маъно-мазмунга тўйинтиради. Гап-гаштакнинг асл моҳияти — инсонларни яхшиликка, меҳр-оқибатга, якдилликка, маърифат ва маънавиятга ундаш сақланиб қолган. Тўғри, тўқликка шўхлик қилган баъзи гуруҳлар гап-гаштакни маишатга айлантираётгани ҳам бор гап. Улар билан маҳалла-кўй, кенг жамоатчилик шуғулланиши керак. Нима учундир менинг онгимга болалигимда Худойқул амакимдан эшитганим: “Гап-гаштак — тарбия ўчоқларидан бири. Гап кўрган одамлар бошқача бўлади”, деган айтими муҳрланиб қолган. Ўзим ҳам гап кўрган одам эканлигимдан фахрланиб юраман.

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

БИЗ КУТГАН КУНЛАР

(Юракларни соғинтирган ҳаёт)

Ҳар оиланинг ўз тутуми, одат-кўникмалари, йўл-йўриғи бор. Бу ўзига хослик эл-юрт турмуши, қадриятлари, урф-одатларидан сайқалланади, кўрку тароват касб этади. Бизнинг оиламизда ҳам мен ҳали бола пайтимда, балки ундан-да аввалроқ пайдо бўлган удум мавжуд. Бу нафақат ўткинчи удум, балки доимий анъанага айланган.



Ҳали мактаб ўқувчиси экан чоғларимданоқ, галдаги ўқув йили якун топиб, ёзги таътилга навбат етиши билан қишлоққа, бобом билан момомнинг уйига отланамиз. Бу тараддуд шундан иборат бўладики, биз карийб бир ой олдиндан йўл тадоригини кўрамиз. Иссиқ ёз бўйи етадиган бир неча сидра уст-бош, бош кийим, оёқ кийимлар, бобомларнинг уйи олдидан ўтган, лойқа сув оқадиган ариқда чўмилиш учун алоҳида мос кийимларни олволамиз.

Мана, бу йил ҳам қадрдон қишлоққа қараб йўлга тушдик. Тонг. Ҳамма ёқ бошқача... Ёп-ёруғ. Йўл юрганимиз сари ёз куни ўз кучи – иссиғини аён эта боради. Ҳадемай жазирама бошланади.

Узоқ сафар олдидан — олисдаги манзилга эсон-омон етишни ният қилиб дуо ўқилди: “...Йўлимиз оқ, ҳамроҳимиз ҳақ бўлсин!..” Машинада отам, онам, мен ва турмуш ўртоғим, яна ота-онамнинг суюкли набиралари — қизим Мубинахон ҳамда ўғлим Усмонбой.

Кенг, катта йўлда машина қанот чиқаргандек елиб боради. Ён-атрофда гоҳ олмазор, ўрикзор, шафтолизор боғлар, гоҳ пахтазор, ғаллазор ёки бошқа манзаралар кино тасмаси каби липиллаб ўтаверади. Машинада хушчақчақ, кўтаринки кайфият ҳукмрон. Болалик, ёшликдаги воқеалар эсга олинади. Хотиралар ҳангомаларга уланади.

— Дада, эсингиздами, кичиклигимизда — бола пайтимизда қишлоққа бориб келгунимизча, шу ерда бир оёқ илиб, дам олиб кетардик, — дейман қуюқ дарахтзорни кўрсатиб. Қир этагидаги манзарали дарахтлар ўрмон каби гувиллайди. Шохшабба-ю барглари қуюқлигидан тагига тангадек ҳам қуёш нури тушмайди.

Дадам гапимни тасдиқлайди. Бу гал ҳам шу ерда бир зумга тўхтадик. Машинадан тушиб, салқин шабададан тўйиб-тўйиб нафас оламиз. Гўёки бутун вужудимиз тоза ҳаводан тўйинади. Ёз бўлса-да қуюқ дарахт соясида қарғалар, майна қушлар қағиллаб учиб-қўнади, майсалар орасини тез-тез чўқилаб титкилайди.

Яна йўлда давом этамиз. Йўл четида дарахтзорлар дарахтзорга уланиб кетган. Боғларда гилос, ўрик, олча, олма ялтираб товланади. Ҳозир шу меваларнинг ғарқ пишган пайти. Кўрган кишининг баҳри-дили очилиб, кўнгли кўтарилади.



Ана-мана дегунча Сирдарёдан ўтиб, Жиззахга кириб бордик. Замонавий машиналар довондан ғизиллаб ўтиб боради. Ана, яқинлашдик ўша жойга, ўрганиб қолганмиз, доим ҳавас билан кўриб ўтамиз — йўл четида қатор-қатор яшикларда ял-ял товланган чўғдек қип-қизил олмалар, банкаларга кўримли этиб жойланган асал, болга дуч келамиз. Шунда дадам:

— Онаси, олмалардан оламизми? — дейди.

— Ҳа, ҳар бири икки килодан, уч пакет олишимиз керак, — дея жавоб қайтаради ойим.

Шунда қизим Мубина банка – шиша идишдаги қурутни кўриб:

— Бувижон, қурут ейман, укамга ҳам олайлик, — дейди.

Шубҳасизки, суюкли набиранинг илтимоси бажарилди. Яна манзил томон кетаяпмиз-у, барчамизнинг юрагимизни ҳис-ҳаяжон қуршаб олган. Сабаби, туғилган юртга бораяпмиз-да!

Машинадаги ҳангомалар қизғин давом этади. Бир неча дақиқадан сўнг йўл четидаги ошхоналарнинг бирида тамадди қилишни режалаштирганмиз. Кўнглимизга ёққан, кўринишидан озода ва сариштa ошхонага тўхтадик. Сувлар сепилган шинамгина ошхона экан. Бизни кутиб олган йигит бўш тапчанни кўрсатди. Қўлларни ювдик-да, бирин-кетин жойлашдик. Бизга қараган хизматчи таомномани олиб келди.

— Ким нима хоҳлайди, танланглар? — деди дадам.

Ҳаммамиз ҳовури чиқиб турган, бу ерларнинг “обрўли” емаги “жиз”ни маъқул топдик. Килоси — тўқсон минг сўм. Биз икки килограмм буюртма қилдик. Иссиқ чой ва шу таомга мос турли хил шакароб-салатлар айтилди. Азалдан ёш бола ширинликларга, газли ва рангли ичимликларга ўч бўлади. Қизим ошхонада қатор териб қўйилган ярим литрлик “Сосаcola”ни ушлади ва “олиб беринглар”, деб илтимос оҳангида мўлтираб қаради. Шунда отам ва онам бу ҳолатга кулишди. Қизим эса ўйлаган нияти амалга ошганидан хурсанд. Яхши таом безаган яхши дастурхон атрофида, табиийки, суҳбат ҳам ширин бўлади.

Биз яна йўлни давом эттирдик.

Кетаяпмиз. Соат учларга яқинлашганда Самарқандга етдик. Самарқанд — боқий ва муқаддас маскан. Ҳар ўтган-қайтганда Самарқанднинг маълум ва машҳур нонларидан олиш биз учун одатга айланган. Мана, ҳозир ҳам шу урф, шу анъанага содиқ қолган ҳолда қариндошларга ҳар хил — катта-кичик бўрсилдоқ, оғир нонлардан танлаб оламиз...

Ҳамма чарчаган, кимдир ухлаб келаяпти, яна кимдир атрофни томоша қилмоқда. Шунда қизим:

— Дадажон, “узоқ момом”нинг уйига боряпмиз, — дея ўзига сиғмай хурсанд бўлади, дам-бадам кулади.

“Узоқ момо” деб ойисининг онасини айтади. Ёшлигидан шундай деб катта бўлган. “Узоқ момо — узоқдаги момо”.

Соат кечки олтига яқинлашди. Чироқчи йўлларидан ўтаяпмиз. Болаларнинг кўнгли роса ҳам қишлоқ томон ошиқади. Бир неча дақиқалардан сўнг олисда қишлоқ кўринди. Яна йўл таноби тортилавергач, узоқдан яқин келаётган — биз яқинлашиб бораётган уй олдида таниш чеҳраларни кўрдик. Телефонда хабар топиб, бизни кутиб олишга чиқишган. Дарвоза олдида турган аёлни таниб:

— Узоқ момом... — деб қизалоғим бақириб юборди.

Ҳол-аҳвол сўрашишлар узоқ давом этади.

Қадрдон қишлоқда кечган етти кун мазмунли ва мароқли ўтади. У ердаги қизиқарли ҳангомалар, мароқли суҳбатларни ёсак, ўзи бир катта достон.

Туғилиб ўсган юрт, хешу ақраболар билан кўришиш ана шундай файзли, унутилмас бўлади ҳамиша. Ҳа, дийдорга не етсин!

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ

ТАРБИЯ

Фарзандларни комил инсон қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифа. Чунки жамият аъзоларининг яхши хулқли, ҳалол ва пок бўлишини орзу қиламиз, аммо ўша жамиятнинг келажаги бўлмиш болалар тарбияси ҳақида қайғурмасак, ниятларимиз сароблигича қолаверади.



ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Ёш авлоднинг келажакда одоб-ахлоқли, илмли бўлиб етишишларига, аввало, кимлар масъул, деган савол туғилади. Уларнинг одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси масъулияти уйда ота-она, ўрта мактаблар ҳамда олий ўқув юртларида эса муаллим ва устозлар зиммасидадир. Ҳақиқатан, тадбирли, зийрак ота-она болаларини ибратли хулқ, чиройли муомала, меҳрибонлик, камтарлик, яхши насиҳат, тўғри йўл кўрсатиш каби воситалардан фойдаланган ҳолда тарбиялайди. Шундагина болалар эзгулик, ўзгаларга ҳурмат кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш муҳитида улғаядилар. Бундай ўғлонлар зийрак, солиҳ, ваъдасига вафо қилувчи, зиммасидаги масъулиятли вазифаларни астойдил бажарувчи бўлиб етишади.

Ёш авлодда соғлом эътиқодни тарбиялашда ота-она ва оила аъзоларининг роли етакчилик қилади. Шу сабабли биз кичик ёшли ўқувчиларда эътиқод тарбиясини энг муҳим омил сифатида эътироф этамиз. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас даргоҳ, янги авлод тарбия қилинадиган асосий тарбия ўчоғи деб билади. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни катта экани халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади” деган ҳикматида ҳам ўз ифодасини топган. Соғлом эътиқодни шакллантириш учун юртимизда асрлар давомида шаклланган ислом динида эътиқод тарбиясининг мазмунига махсус тўхталиш зарурлигини тақозо қилади. Ўқувчиларда виждоний покликни тарбиялаш — соғлом эътиқодни шакллантиришнинг марказий вазифаси бўлиб, ундан мақсад ҳар бир бола ўзининг ўқувчилик, фарзандлик, ватанпарварлик, бўлажак фуқаролик бурчларини мукаммал англашига ва уларга амал қилишига, доимо ва ҳамма жойда ростгўй бўлишга, миллий одобга, ватанпарварликка, динлараро бағрикенгликка, миллий ғурурга интилиш ва унга зид хатти-ҳаракатни таний билиш ҳамда уларга қарши туриш, ваъда берса мукаммал бажаришга, билмаган ҳолда хато ёки гуноҳ қилса, дарҳол ўзи кечирим сўрай олишга, ёлғончилик, субутсизликни доимо, ҳамма жойда қоралашга қодирликни шакллантиришдан иборат.

Бизнинг менталитетимиз диний-миллий асосларига кўра, фарзандларни турли ноўрин ва нотўғри хатти-ҳаракатлардан сақлаш, ақл-заковатли, ор-номусли қилиб тарбиялаш оила масъуллари учун мажбуриятдир. Бу масъулиятнинг қанчалик муҳим ва юксаклигини таъкидлаб, Пайғамбаримиз (с.а.в) оила бошлиқларига қарата шундай деган эдилар: “Сизларнинг ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бир раҳбар ўз қўл остидагиларга масъулдир”.

Демак, ёшлар ўртасида маънавий тарбияни янада мустаҳкамлашимиз, тарғибот-ташвиқот ишларида йигит-қизларнинг бугунги дунёқараши, билими, хабардорлик даражаси ва албатта, қизиқишлари, талаб-эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишимиз муҳим. Негаки, улар — миллатнинг келажаги, бугунги бунёдкорлик ишларини эртага ишонч ва эътиқод билан давом эттирадиган, янги юксак марраларни эгаллайдиган ворислардир.

Дилором АБДУЛЛАЕВА,
Паркент туманидаги “Наврўз” ДМТТ директори.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3 109
Буюртма — Г-1144
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁰⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ISSN 2181-0680